O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 19-yanvar, chorshanba ● № 3 (704) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ТАЛАБ ҚИЛАДИГАН МАСАЛА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи томонидан қонун лойиҳасининг концепцияси бир овоздан маъқулланди.



⇨ 3-бет

«ПЛАН» УЧУН ПОЙГАМИ?

Пойтахтимизда айрим йўналишларда қатнаётган автобусларнинг ҳайдовчилари орасида "пойга"чилар ҳам учраб қоляпти. Эҳтимол, улар ўзларини телешоулардагидек авто пойгада иштирок этаётган спортчиларга қиёслашаётгандир.

⇨ 6-бет

ДАСТЛАБКИ ВАЗИФА УДДАЛАНДИ

21 январь куни Тошкент вақти билан 21^{25} да бошланадиган Ўзбекистон ва Иордания терма жамоалари ўртасидаги беллашувда вакилларимиз ўзларига билдирилган ишончни оқлаб, ярим финал йўлланмасига эга бўлади, деб умид қиламиз.

⇨ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **13 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони матбуотда эълон қилинди.**

■ Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимизнинг 19 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. Хусусан, пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида ҳам ушбу байрамга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 19 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги ўқиб эшиттирилди.

■ **Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳайъатининг 2010 йил якунлари ва жорий йилдаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда соҳага оид Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентимиз Фармон ва қарорлари ҳамда ҳукумат қарорларининг солиқ органлари томонидан ижроси муҳокама қилинди.**

■ Пойтахтимизда "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида маҳалла институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ҳамда унинг фаолиятини такомиллаштириш борасидаги устувор вазифалар муҳокама этилди.

✓ Фахр

ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМ, ПАРВОЗИ БАЛАНД

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирманчи йили тўлишмоқда. Фикрни тинитиб, ўтаётган кунларимизга назар ташласак, ҳаётимиз улкан уммонларда кечадиган жараёнга ўхшаб кетади. Турли жабҳаларда ўсиш, юксалиш. Халқимизнинг яратувчанлик шаҳдини кўриб, завқини туйиб таъсирланасан, фахрланасан киши. «Кўпни кўриб фикр қил», деган гап бор. Фикрлаб, шукур қилса арзийдиган кунларнинг гувоҳи бўлиб туришнинг ўзи бахт. Замондошларимиз мамлакатимиз ҳурликка эришганини кўриш насиб этган ва айни пайтда унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган, бундай бахтдан орзулари янада бўй чўзаётган авлоддир. Фахрланишимиз, ғурурланишимиз шундан.

Инсон борки, у ўзининг қилган эзгу ишлари самарасини кўриб, қудратланади. Тарих бунга шоҳид, турмушимиздаги ўзгаришлар гувоҳ.

Ўтган йиллар оқу қорани таниш, барпо этиш, яратишлар даври бўлди. Албатта, ҳамма ишларимиз яхши, тўкис, десак муболаға бўлар. Дарё шовуллаб, ўз узанини топгунича неча бор тинигани сингари ҳаёт, деб аталмиш баҳр ҳам неча бор тўлиб тошди. Энг асосийси, мақсад аниқлиги ва ният поклиги тантана қилмоқда. Буни амалда кўриб, ҳис этиб турибмиз.

Кези келганда мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида гувоҳ бўлганим — бир воқеани мушоҳада қилиш, яқин ўтмиш ва бугунимизни таққослаш мақсадида келтириб ўтиш лозим, деб ҳисобладим.

Хуллас, хизмат сафари билан қўшни республикада бўлиб ўтадиган анжуманга бориш, унинг мазмун ва моҳиятини матбуотда ёритиш чеки зиммамизга тушди. Телеоператор ҳамкасбим билан сафарга отландик. Аммо, улов йўқ эди. Шўро давридан мерос қолган иқтисодий таназзул туфайли шаҳарлараро ҳаво қатновлари айрим йўналишларда аллақачон барҳам топган, борларининг аҳволи эса ночор — Тошкент бирлашган авиаотрядининг имконияти қадар чегараланганди.

Ниҳоят, пойтахтимиз аэропортига қўниб ўтадиган бошқа бир мамлакат самолётига иккита чипта "топилди". Бордик, анжуман ниҳоясига етгач, ортимизга қайтиш муаммосини ўйламаган эканмиз, талашиб-тортишиб, бир-неча кунимизни бой бериб, юртимизга қайтдик.

Бугун-чи?!.

Бугун сизни "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси само дарғалари дунёнинг қайси нуқтасини кўнглингиз ихтиёр этган бўлса, гуё кафтларида олиб боришга қодир. Унинг таркибида халқаро аэропорт мақомига эга бўлган — Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Навоий каби 6 та, бундан ташқари маҳаллий йўналишларга хизмат кўрсатадиган яна 5 та аэропорт киради.

1992 йили мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Фармонига биноан Тошкент бирлашган авиаотряди "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясига айлантирилди. Шу кундан бошлаб унинг имкониятларини яхшилашга ялпи эътибор қаратилди. Мутахассисларни тайёрлаш, халқаро меъёрларга жавоб берадиган шарт-шароитларни яратиш соҳа мутасаддиларининг бош мақсадига айланди. Шу йилнинг ўзидаёқ Лондон, Қарочи, Деҳли, Куала-Лампур, Тел-Авив, Пекин шаҳарларига янги йўналишлар очилди.

Орадан бир йил ўтмасдан "Тошкент" халқаро аэропорти илк бор лизинг асосида сотиб олинган, "А-310" мақомига эга бўлган аэробусни фойдаланиш учун қабул қилди. Натижада йўловчилар учун Франкфурт ва Бангкок йўналишлари ишга туширилди.

2 »

✓ 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Кичик корхонанинг катта ютуқлари

Бундан ўн йил муқаддам бойсунлик уста Ёқубга дўстлари хусусий корхона ташкил этиш тўғрисида маслаҳат солишганида унча эътибор қилмаган эди. Шундан бироз вақт ўтиб, у хизмат важидан Тошкентга борди. Бозорда устачилик асбоб-ускуналарини излай туриб, бу ердаги оддий маҳаллий хомашё — ёнғоқ, тут, ўрик дарахти ёғочларидан ясалган уй жиҳозлари — мебелларга алоҳида қизиқиш билан қаради. Тўғри, уста ҳам том ёпишу шифт жиҳозлаш ишларидан ортган пайтлари турли хил мебеллар ясаб турарди. Бироқ, бу ерда кўрганлари мутлақо бошқа кўриниш, бошқача дизайнда эди.

...Ўша куни уста Ёқуб уй мебеллари ишлаб чиқаришда асқотадиган асбоб-ускуналар ҳам харид қилди. Йўл-йўлакай хусусий корхона ташкил этиш тўғрисидаги таклиф ҳақида ўйлаб кўриш керакдир, деган ўй кечди хаёлидан.

Ёқуб Тўрақулов ишни бошлашдан аввал шогирдлари билан маслаҳатлашди. Бир фикрга келишиб олишди. Шундай қилиб, дастлаб уй шароитида мебель ишлаб чиқара бошладилар. Хомашё сифатида қишлоқ хонадонларидан йиғилган тут, ёнғоқ, ўрик, тол каби маҳаллий мебелбоп ёғоч материалларидан фойдаланилди.

2000 йилда "Хуршид" кичик корхонасига асос солинди.

— Тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларидан деярли бехабар эканлигимиз дастлаб бизга анча панд берди, — дейди уста ўша кунларни эслаб. — Очиғи, осон бўлмади. Ҳатто корхонани тугатмоқчи ҳам бўлдик. Негаки, уни ташкил этгандан сўнг бошланғич сармоя яратиш, банк билан молиявий ҳамкорликни йўлга қўйиш, шу орқали ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун банк кредит-сармоясидан фойдаланиш мумкинлигини билмас эдик.

Дарҳақиқат, ҳозир Сурхондарёдагина эмас, республикада ҳам анча танилган, йирик компаниялар билан ҳамкорлик қилаётган корхонамиз бугунги даражага етишиш учун тадбиркорликнинг машаққатли йўлларини босиб ўтишига тўғри келди.

Энг аввало, қулай шарт-шароитга эга алоҳида бино лозим эди. Шу сабаб туман марказидаги неча йиллардан буён қаровсиз ётган бино хусусийлаштириб олинди. Илгари фақат туман аҳолиси ва ташкилотлардан тушаётган буюртмалар билан кифояланган меҳнат жамоаси аста-секин ўз маҳсулотларини вилоятга чиқариш чораларини излай бошлади. Бу режани амалга оширишда "Ташаббус" кўрик-танлови йўл очиб берди.

Туман миқёсидаги танловда ўзларини синаб кўрган усталар 2003 йили ўтказилган танловнинг вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритиб, ўша йили танловнинг республика босқичидан махсус диплом ҳамда 10 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш йўлланмаси билан қайтишди. Натижада корхонага ўрнатилган янги дастгоҳлар ҳамда яратилган қўшимча шарт-шароитлар эвазига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми янада ортди.

2006 йили "Агробанк"нинг Бойсун филиалидан 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит олинди. Шунинг ҳисобига ишлаб чиқариш яна уч бараварга оширилди. "Бойсун, "Хуршид" кичик корхонаси маҳсулоти" тамғаси билан чиқарила бошланган замонавий ва миллий дизайндаги мебель жиҳозларини вилоятнинг деярли барча мебель салонларида, ташкилотлар офисларида кўриш мумкин эди. Корхона бир йил ичида олинган қарзни узиб бўлгач, яна 100 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблағга Хитойдан энг замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Ўша йили қарийб 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди.

Корхона ҳамкорнинг барча талабларини аъло даражада амалга оширди. Хусусан, 2007 йилда корхона жамоаси вилоятдаги 164 та, 2008 йилда эса 198 та мактабга ўқув ҳамда лаборатория жиҳозларини тайёрлаб берди. Агар 2008 йилда 300 миллион сўмлик иш бажарилган бўлса, ўтган йили бу рақам 600 миллион сўмга етди. Ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш Давлат дастурига асосан корхонага ажратилган имтиёзли кредитдан мақсадли фойдаланиш эвазига 18 турдаги янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши қаторида 15 та иш ўрни яратилди. Умуман, 2010 йилнинг якунига кўра корхонада ишлаб чиқарилаётган мебель маҳсулотларининг тури 60 тага етказилди.

— Мамлакатимизда тадбиркорларга берилган имкониятлар, яратилаётган шарт-шароитлардан ҳар қанча фахрлансак, арзийди, — дейди Ёқуб Тўрақулов. — Бир пайтлар оддий уста эдим. Энди номи кичик бўлса-да, катта режалар билан фаолият кўрсатаётган корхона раҳбариман. Мавсумий ишчиларни қўшиб ҳисоблаганда 40-50 киши шу корхона туфайли рўзғорини тебратаётганидан, уларнинг эртанги куни ҳақида ҳам ўйлашга қайсидир даражада масъул эканимдан қувонаман.

Дарҳақиқат, бугун ҳалол меҳнат қадрланадиган, тадбиркорлик, хусусий мулк давлат даражасида ҳимояланадиган юртда яшаяпмиз. Бу юртда уста Ёқубга ўхшаш минглаб, миллионлаб ишбилармон, эл-юрт ободлиги, фаровонлиги учун камарбаста бўлишни истаганлар учун тадбиркорликнинг барча йўллари очиқ, шароит муҳайё. Айниқса, Президентимиз томонидан жорий йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилингани уларга янада катта имкониятлар, кенг уфқлар очиб беришни кафолатлайди. Бу тадбиркорлик, хусусий бизнес янада ривожланади, юрт янада обод ва фаровон бўлади, деганидир.

Даврон ОРИПОВ,
"Hurriyat" мухбири

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

Тадбир

Молия муассасалари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш ҳисобланади. Айни пайтда мамлакатимиздаги тижорат банклари ва уларнинг бўлинмалари миллий ҳамда чет эл валютасида чекланмаган миқдорда ва муддатларда 400 дан ортиқ омонат турларини аҳолига таклиф этмоқда.

МУНОСИБ РАҒБАТ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

2010 йил якунлари бўйича кредит ташкилотларидаги аҳоли омонатларининг ҳажми 2009 йил якунларига нисбатан 53 фоизга ошди. Аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш молиявий муассасаларнинг фаолиятини кучайтириши, кўрсатилаётган банкмолия хизматларини янги сифат босқичига олиб чиқишини ҳисобга олсак, бу борадаги илғор тажрибаларни амалиётга кенг жорий этиш ҳамда соҳа ходимларини рағбатлантириб бориш тараққиётнинг муҳим омили экани ўз-ўзидан аёнлашади.

Яқинда ана шу мақсадда республика тижорат банклари ўртасида 2010 йил якунларига кўра аҳоли бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш бўйича танлов ўтказилди. Унда 31 та тижорат банки, 810 та филиал, 4000 га яқин мини банк ва махсус кассалар иштирок этди. Ўзбекистон банклари Ассоциациясида ўтказилган танловнинг тантанали тақдирлаш маросимида 8 та асосий ҳамда 11 та қўшимча номинациялар бўйича ғолиб ва совриндорлар номи эълон қилинди. Улар диплом, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири

ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМ, ПАРВОЗИ БАЛАНД

(Боғланиши 1-бетда.)

Соҳани ривожлантириш борасида олиб борилган изчил сиёсат, аниқ мақсадларни кўзлаб қилинган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермай қолмади. Бортига мустақил мамлакатимиз байроғи рамзи туширилган Миллий авиакомпаниямизнинг ҳаво кемалари халқаро миқёсда ўз обрўсини топа бошлади. 1994 йили "Тошкент" халқаро аэропортига яна битта "А-310" русумли самолёт келтирилди. Афина, Манчестер, Сеул халқаро йўналишлари бўйлаб йўловчиларни манзилларига етказиб қўйиш имконияти яратилди.

Соҳада техник имкониятлар билан бир қаторда йўловчиларга хизмат кўрсатиш савияси ҳам дунё талаблари даражасига кўтарилиши "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг обрўси тобора ошишига сабаб бўлди. Халқаро миқёсда эришилган муваффақиятлар кўлами, кўп ўтмай, Тошкент — Нью-Йорк трансконтинентал йўналишни ўзлаштириш билан бойиди.

Шундай қилиб, Юртбошимиз раҳнамолигида халқаро миқёсда мамлакатимиз ҳаво йўллари хизматининг қудратли пойдёвори барпо этилди.

Дунёдаги энг нуфузли ҳаво кемаларидан саналадиган "Боинг-767" русумли самолётнинг 1996 йил 30 ноябрда пойтахтимиз аэропортига илк бора келиб қўниши нафақат мамлакатимиз авиапаркига кўрк бағишлади, балки миллий авиакомпаниямиз шуҳратига шуҳрат қўшди. Янги техникаларни ўзлаштириш, учувчиларнинг халқаро даражадаги маҳоратларини ошириш мақсадида Учиш мажмуасида терма отряд ташкил этилди. Унинг учувчилари қисқа фурсатда фаолияти дунё ўлчамлари билан меъёрланган "А-310" ҳамда "Боинг-767" самолётларини бошқариш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва бошқа малакаларни ҳам ўзлаштириб олдилар.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси атиги беш йил ичида Халқаро авиацион хавфсизлик жамғармасининг "Парвозларнинг хавфсизлиги соҳасидаги ютуқлари учун" фахрий дипломига сазовор бўлди. Айни пайтда биргина "Тошкент" халқаро аэропортининг ўзи йилига икки миллиондан зиёд йўловчига юқори савияда хизмат кўрсата олади. Шунингдек, аэровокзал биносида "British Airways", "Asian Airways, "Aeroflot" каби бир қанча чет эл авиакомпанияларининг ваколатхоналари жойлашган.

Ўтган йиллар давомида муттасил тарзда мамлакатимиз Миллий авиакомпанияси ҳаво кемалари парки қўшимча равишда "Боинг-767", "RJ-85", "Боинг-757-200", "Боинг-757-300" каби замонавий типдаги самолётлар билан янгиланди. Юртдошларимиз Рим, Бирменгем, Амритсар, Осако орқали Токио, Ханой-Хошимин, Шанхай, Милан, Қоҳира, Афина ва бошқа ўнлаб шаҳарларга истаган пайтларида сафарга чиқиш имкониятларига эга бўлдилар. Бундан ташқари, "Boeing" ва "Airbus" компаниялари билан саккизта янги самолёт, шу жумладан, тўртта "Боинг-767" ва яна шунча "А-320" самолётларини етказиб бериш тўғрисида шартномалар имзоланиши, шунингдек, 2008 йилдан буён "Навоий" аэропорти юк авиаташувлари бўйича дунёда пешқадамлардан ҳисобланган "Koreya Air" авиакомпанияси бошқарувида фаолиятга киришуви "Ўзбекистон ҳаво йўллари" нуфузини оширди. Айни пайтда соҳадаги ўзгаришлар кўлами кенгайиб бормоқда. Мамлакатимизда барча соҳада бўлгани каби ҳаво йўллари тизимларида ҳам яратиш ва бунёдкорлик ишлари қулоч ёймоқда. Дунё янгиликлари ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ана, юртимиз осмонига яна бир байроқдор ҳаво кемаси кўтарилди. Унинг парвози янада баланд, йўллари доим мусаффо бўлсин!

М. ЎКТАМ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва "Ўзбеклизинг интернейшнл" акциядорлик жамияти ташаббуси билан Беруний туманида семинар бўлиб ўтди.

Тўрткўл, Амударё, Элликқалъа ва Беруний туманларидаги кичик бизнес субъектлари раҳбарлари, ҳунармандлар, тегишли соҳа мутахассислари иштирок этган тадбирда тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш, замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

АНДИЖОН. Шаҳрихон туманида "Камолот шабадаси" хусусий корхонаси иш бошлади. Бу ерда замонавий технология асосида парранда парвариши йўлга қўйилди. "Ҳамкорбанк"нинг туман бўлими молиявий кўмагида иш юритаётган корхонада ҳозир 20 минг товуқ боқилмоқда. Келгусида бу кўрсаткични икки баробарга ошириш мўлжалланган.

БУХОРО. Йўловчиларга юқори даражада хизмат кўрсатиш бўйича олиб борилган изланишлар самараси ўлароқ, "Бухоро" халқаро аэропорти "ISO 9001:2008" сифат сертификатига эга бўлди. Бу аэропортнинг дунёдаги қатор давлатлар авиакомпаниялари билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини кенгайтиради.

ЖИЗЗАХ. "Намунали милиция таянч пункти" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда Жиззах туманининг "Зиёкор" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 35-милиция таянч пункти биринчи ўринни эгаллади.

Танловда милиция таянч пункти профилактика инспекторларининг хотин-қизлар кенгаши ва маҳалла фаоллари билан ҳамжиҳатликда самарали иш олиб бораётгани эътироф этилди.

НАВОИЙ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг аҳамияти, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг концептуал жиҳатлари, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш бўйича таклиф этилаётган ташкилий-ҳуқуқий чоралар, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, бозор муносабатлари ва иқтисодиётни янада либераллаштириш масалалари хусусида сўз юритилди.

НАМАНГАН. "Наманган дон маҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли "Нуробод иссиқ нонлари" корхонасида модернизация ишлари амалга оширилди. Натижада корхона маҳсулотларининг харидоргирлиги кескин ошди.

СУРХОНДАРЁ. Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театрида таниқли бахшилар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон халқ бахшиси Қора бахши Умиров, Абдуназар бахши ҳамда «Ниҳол» мукофоти лауреати Илҳом бахши Норов иштирок этди.

Тадбирда бахшиларнинг чиқишлари иштирокчилар, айниқса, ёшларда яхши таассурот қолдирди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамкорлигида Болалар шахмат фестивали ўтказилди. Мусобақада пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидан тўрт ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган икки юз нафарга яқин ўғил-қиз ўзаро баҳслашди.

Ўқувчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, шахматга қизиқувчи болаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган мусобақада Алишер Бекмуродов, Жаҳонгир Турсунов, Феруза Муҳаммадкаримова ва Зайнаб Усмонова биринчи ўринга лойиқ топилди.

ХОРАЗМ. Вилоятда ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган сармоя эвазига бу борада қўл урилаётган ишлар кўлами кенгайиб бормоқда.

Хоразм Маъмун академиясида бўлиб ўтган семинар-тренингда шулар ҳақида ган борди. Семинар доирасида «Хоразм-Брэнд» масъулияти чекланган жамиятнинг иш тажрибаси ўрганилди, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди, вазифалар белгилаб олинди.

✓ Юксак маънавият — енгилмас куч

ЖИНОЯТ КЎЧАСИДАГИ АЁЛ

Оила, хонадон фариштаси, келажак авлод давомчиси — аёлнинг жиноят йўлига кириши жамият ҳаётидаги машъум иллатдир

Аёл — жамият гултожи, ҳаёт гўзаллигининг тимсоли. Дунёда аёл бор экан, энг гўзлар ҳислар, энг инжу туйғулар мавжуд. Меҳр-муҳаббат, севги ва вафо, поклик ва ҳалоллик, ор-номус каби муқаддас тушунчалар аввало аёл қалбидан яралади. Доноларнинг бири айтганидек, токи ер юзида биттагина аёл мавжуд экан, у ҳақида ҳамиша нимадир янги гап, яхши сўз айтиш мумкин.



Аёлга нисбатан неча юз йиллардан буён айтиб келинаётган бундай энг гўзал сўзлар тараққиётнинг юксак чўққисига кўтарилган XXI асрда ҳам ўз қадрини йўқотгани йўқ. Глобаллашув жараёни, ахборот-технологиялари шиддат билан ривожланаётган бугунги кунда ҳам аёллар жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллигини белгилашнинг мезонларидандир.

Аёллар туфайли яхши яшашга, бахтли ҳаёт кечиришга интиламиз. Бу мақсад учун курашиш инсоният яралгандан буён давом этиб келаётган ҳодисадир. Унга эришишда бошқаларнинг манфаатларига зиён етказмаслик, тинч ва осойишталикни таъминлаш учун барчамиз маълум қонун-қоидаларга амал қиламиз. Қонунни бузиш — бошқаларнинг манфаатига зиён етказиш, давлатга, жамиятга қарши ишдир. Шу боис ҳам бу "жиноят" деган совуқ ва машъум сўз билан ифодаланади.

Дунёда ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Ҳар бир инсон турмуштарзи, олдига қўйган мақсади, дунёқараши ва онгу тафаккури билан ўз йўлини танлайди. Айни шу жараёнда кимдир билиб-билмай, тасодифан, яна биров қасддан жиноят кўчасига киради. Ақли расо одам борки, бу йўлни қанчалик аянчли эканини яхши билади, тасаввур қилади. Чунки бу йўлнинг охири ўз эркини, озодлигини йўқотиш, ҳаётини заҳарлаш, жамиятдан узилишдир. Зотан, инсон учун озодлик ва эркинликдан кўра қадрлироқ неъмат йўқ.

"Жиноятчи" деган номни олиш қанчалар оғир ва машаққатли эканини тўла ифода этиш қийин. Чунки бу сўзни эшитибоқ, этимиз жимирлайди, "Худо сақласин", деймиз. Агар ана шу ном ҳаётимизда аёз ва муқаддас бўлган аёлга нисбатан айтилса-чи? Кўз ўнгимизда она, сингил, суюкли ёр бўлиб гавдаланадиган аёлни жиноятчи сифатида панжара ортида тасаввур қила оламизми?!.

Бугун ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида хотин-қизлар фаол иштирок этмоқда. Мамлакатимизда хотин-қизлар билан эркаклар ўртасидаги тенг ҳуқуқлилик халқаро ҳужжатларга уйғун миллий қонунчилигимизда, аввало, Конституциямизда ўз аксини топган. Албатта, буларнинг барчаси нозик жинс вакилларининг камситилиши, ҳуқуқ ва манфаатлари чекланишининг олдини олишга хизмат қилмоқда. Шу боис бугун йирик компаниялар ва корхоналарга раҳбарлик қилаётган, халқаро муносабатларда фаол иштирок этаётган аёллар сафи тобора кенгаймоқда.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг хотин-қизлар сиёсий ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ҳаётнинг барча жабҳаларида уларнинг самарали иштирокини кучайтиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Мамлакатимизнинг биринчи ордени — "Соғлом авлод учун" деб номланиши ҳам баркамол авлодни дунёга келтираётган аёлларга ҳурмат ва эҳтиром ифодасидир.

Аммо, афсус билан қайд этиш жоиз, аёлларни эъзозлаш ва улуғлаш борасидаги бундай эзгу ишларга қарамасдан, "аёл" деган муқаддас номга доғ тушириб, турли иллату жиноятлар ботқоғига ботаётганлар ҳам йўқ эмас.

...Икки нафар гулдай фарзанди эндигина балоғатга етай деганда Нафисани "шайтон йўлдан урди". Аввалига турмуш ўртоғининг ойлик маошига қаноат қилмай бозорга чиқди. Ҳар куни қўлидан жарақ-жарақ пул ўтиб ҳаволанди. Уй-рўзғор, фарзандлар тарбиясига "вақти етмай" қолди. Аксинча, ҳали яхши-ёмонни фарқига бормайдиган болаларини ҳам пулга ўргатди. Нафси ҳакалак отди. Қўшни мамлакат фуқаросининг мўмай пул ишлаш ҳақидаги қинғир таклифига лаққа тушган Нафиса жиноятга қўл урди. Гиёҳванд моддалар олди-сотдиси билан шуғулланаётганида ҳукуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинди ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан озодликдан маҳрум этилди.

Албатта, у жиноятига яраша жазо олди, бироқ унинг оиласи-чи? Ҳалол ишлаб кун кечираётган турмуш ўртоғи жиноятчи аёл билан яшамайман, деб ажралиш учун ариза берди. Истаганича пул сарфлаб ўрганган қизи эса безориларга қўшилиб, иффатини йўқотди, бузуқлик кўчасига кирди. Мактабни эндигина битираётган ўғли гиёҳванд бўлиб қолди.

Биргина аёлнинг калта ўйлаши, иродаси сустлиги туфайли гулдай бир оила барбод бўлиб, фарзандлар азоб-уқубатларга учради. Хўш, бунга ким айбдор? Қамоқхонада ўтирган Нафиса шу ҳақда қайта-қайта ўйлар экан, буларнинг барчасига ўзимнинг ношукрлигим, нафсим сабаб, деган қарорга келди. Аммо энди кеч...

Мутахассисларнинг фикрича, аёллар содир этадиган жиноятлар асосан иқтисодий жиноятлар — ўғрилик, товламачилик, фирибгарлик, гиёҳванд моддалар савдоси, фоҳишалик каби иллатлар билан боғлиқ. Нима учун айнан иқтисодий жиноятлар? Балки аёллар оиладаги моддий етишмовчиликни катта фожиа, деб билишар? Лекин жиноят содир этган аёлларни ҳаммасининг оиласида ҳам моддий етишмовчилик бор, деб бўлармикан. Кўп ҳолларда ортиқча зеб-зийнатга, мол-дунёга ҳирс қўйиш аёлларни жиноят йўлига бошламаётганмикан. Халқимизнинг "Ойда еган тўқ, кунда еган суқ бўлур", деган мақоли ана шундай кимсаларга нисбатан айтилган бўлса, ажаб эмас.

Кейинги пайтларда хотин-қизлар ўртасида "урф" бўлаётган аянчли иллат — ичкиликбозлик ҳам аёлларни жиноятга бошловчи асосий сабабларидан биридир. Албатта, бу алоҳида мавзу. Лекин бир шиша ичкиликка пул топган аёлнинг оиладаги етишмовчиликни баҳона қилиши қайси "қолипга" сиғади?! Ҳолбуки, ўша пул рўзғордаги битта камчиликни тўлдириши мумкин-ку.

Сабр-қаноат, ирода ва матонат, бағрикенглик азалдан халқимиз, айниқса аёлларимиз учун фазилат бўлиб келган. Етим-есирларнинг бошини силаб, ўз фарзандидек улғайтирган, рўзғордаги камчиликларни ошкор қилмасдан, боридан баракали фойдаланаётган аёлларимиз ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Халқимиз ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан машҳур. Ҳар қандай ҳолатда ҳам оиласини сақлаб қолиш, фарзандларининг бахту саодати, иқболи учун ҳамма нарсага тайёр туриш ўзбек аёлига хос бетимсол фазилатлардан эмасми. Ота-боболаримиз айниқса қиз боланинг тарбиясига энг нозик ва муҳим масала сифатида алоҳида эътибор қаратганлар. Саҳиҳ ҳадисларнинг бирида "Фарзандларингизга бир хил муомалада бўлинглар, агар улардан бирортасини устун қўйиш керак бўлса, қизларингизга кўпроқ аҳамиятли бўлинг", дейилган.

Шунчалар эътибор ва эъзозга қарамасдан ор-номус, ҳаё, иффатдан воз кечиб, жиноят кўчасига кираётган аёлларнинг учраётгани афсусланарли. Бу нафақат бугунги кун, балки келажак авлод ҳаётига ҳам раҳна соладиган аянчли иллатлардан биридир.

Аёллар сақланаётган жазони ижро этиш муассасаларидан бирига бордик. Қамоқхонанинг залворли темир эшиклари очилиб, соқчилар назоратида бўлган аёллар истамайгина қадам ташлаб, ҳовлига чиқишди. Уларнинг ҳар бирида дунёларга сиғмас дард, армон, алам, тоғдек пушаймон бор. Дилларини соғинч, айрилиқ, афсус кемирмоқда. Улар берилган жазо муддати қачон тугаши ҳақида эмас, кўпроқ эртанги тақдирлари ҳақида ўйлаб эзилишади. Шу ҳақда хаёл сурар экан, ўз-ўзидан ваҳимага тушади. "Қамалган" деган ном кўксиларини оловдек куйдиради.

— Мен исмимни айтишга ҳам уяламан, — дейди 28 ёшлардаги кўҳликкина жувон. — Чунки бу ерда ўтиришимнинг ўзи азиз ва муқаддас саналган она тимсолига, аёл номига бўлган хиёнатдир. Минг афсус, буни жуда кеч — шу ерга келганимдан кейингина англадим. Иродамнинг сустлиги, турмушдаги оддий муаммоларни "кўпиртириш", ҳаётга, оилага енгил қараш мени шу кўйга солди...

"Эр кишининг ор-номуси ўлгунча ўзи ўлсин", деган гап бежиз пайдо бўлмаган. Бу гап хотин-қизларга ҳам бирдек тегишли. Шу маънода аёл кишининг жиноятга қўл уриши нафақат эрига, балки оиласига, ор-номусига қарши оғир жиноятдир. Улуғ алломаларимиздан бири таъкидлаганидек, "Қайси бир миллатни яксон қилмоқчи бўлсангиз, уларнинг қизларини — бўлажак оналарининг тарбиясини издан чиқаринг. Қайси бир миллатни юксалтирмоқчи бўлсангиз, унинг қизларини — бўлажак оналарини чиройли тарбияга, гўзал ахлоққа ўргатинг".

Миллат танламас, чегара билмас "оммавий маданият" бутун дунёга ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатаётгани ҳеч кимга сир эмас. Миллатнинг эртасига, келажак авлод тақдирига чанг соладиган бундай ёвуз мақсадлар жамиятнинг энг нозик, айни пайтда энг муҳим нуқтасини заҳарлашга ҳаракат қилади. Миллий маънавиятимиз асоси бўлган оиладаги ижтимоий муҳитга, фарзандлар тарбиясига, эру хотин ўртасига бузғунчилик уруғини "қадайди".

Хотин-қизларга ҳурмат ва эҳтиром билан қараш, аёлни улуғлаш, эру хотин ўртасидаги муносабатларда аждодларимиздан ўтиб келаётган анъаналар ҳар қандай ҳолатда энг тўғри ва оқилона иш тутишга ундайди. Бунга беписандлик билан қараган, "оммавий маданият" таъсирига тушган аёл охир-оқибатда жиноят кўчасига кириши ҳеч гап эмас.

Хотин-қизларнинг ўз жонига қасд қилишга уриниши ҳам айни шу иллат туфайлидир. Манманлик ва худбинлик, фақат ўз қизиқиш доирасигагина боғланиб қолиш, иродасизлик туфайли келиб чиқаётган бу ҳодиса хотин-қизларимиз шаънига доғ тушираётган энг аянчли масалалардан биридир.

Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида қуйидагиларни таъкидлайди: "Ирода бу аслида мустаҳкам ишонч демакдир. Иродаси бақувват одам ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам ўз зиммасига олишдан қўрқмайди. Шунинг учун ҳам юксак иродали инсонга суяниш мумкин. Бундай кишилар бошингизга бирор-бир ташвиш ёки муаммо тушгудек бўлса, лоқайд қараб туролмайди. Ҳеч иккиланмасдан, ёнингизда туриб, қўлидан келганча ёрдам беришга, қийинчиликларни сиз билан биргаликда енгишга ҳаракат қилади."

Оилада, турмушда эр-хотин бир-бирига ана шундай ҳамроҳ бўлади. Турмушнинг аччиқ-чучугига чидамасдан оғир жиноятга қўл уриш — ўз жонига қасд қилиш нафақат калта ўйлаш, ҳаётга енгил-елпи қараш, айни пайтда иймон ва эътиқоднинг сустлиги натижасидир.

Ҳа, ўз жонига қасд қилиш ҳам жиноят, инсон ҳаётига қарши қаратилган оғир жиноят. Фақат бунда жиноятчи ҳам, жабрланувчи ҳам унинг ўзидир. Имом Бухорийнинг саҳиҳ ҳадислар тўпламида шундай ҳадис бор: "Бир киши ўзини-ўзи жароҳатлаб ўлдирди. Шунда Аллоҳ таоло: "Бандам мендан илгари ўз жонини ўзи олди, уни мен жаннатдан маҳрум қилдим!" — деди".

Ана шундай ишга қўл урган ва тақдир тақозоси билан тирик қолган Дилшода бундай дейди: ўша пайтда инсоннинг бу қилган иши кўз ўнгида шундай гавдаланадики, шу ондаёқ қанчалик оғир гуноҳга, кечириб бўлмас хатога йўл қўйганини тушуниб етади. Бу азиз ҳаёт, оилавий бахт бир сонияда қўлдан чиқиб кетаётгани кўз олдингда намоён бўлади. Аёл учун аслида оилавий бахт, фарзандларининг камолидан кўра улуғроқ неъмат йўқ...

Аёл деганда, кўз олдимизда аввалгидек азиз ва мукаррам Она сиймоси намоён бўлади. Барчамизни юраги остида ўстириб дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган, ўзининг оқ сути, меҳр-муҳаббати билан қалбларимизга олижаноб инсоний туйғуларни сингдирган мунис оналаримизга ҳар қанча таъзим қилсак, уларни ҳар қанча улуғласак арзийди, албатта. Бугун жамиятимизда ана шундай улуғ номга доғ тушираётган аянчли ҳолатлар барчамизни ҳушёр ва огоҳликка чорлаши табиий.

Жамиятимизда учраётган ҳар бир иллатга, жумладан, хотин-қизлар ҳаёти билан боғлиқ ҳар қандай муаммога қарши ҳамжиҳатликда курашиш — оиламизнинг, шу азиз Ватанимизнинг порлоқ келажаги учун курашиш демакдир.

Хуниддин БЕРДИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

Инсон саломатлиги — қонун ҳимоясида

АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ТАЛАБ ҚИЛАДИГАН МАСАЛА

Истиқлолнинг илк кунидан бошлаб аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи давлатимиз ижтимоий сиёсатида марказий ўринни эгаллаб келмоқда. Ўтган вақт мобайнида ушбу йўналишда олиб борилган саъй-ҳаракатлар бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бераётир. Буни сўнгги 19-20 йил ичида фуқароларимизнинг ўртача яшаш умри 67 ёшдан 73 ёшгача, аёлларда 75 ёшгача узайганлиги, оналар ўлими 2 баравардан кўпроқ, болалар ўлими 3 бараварга камайгани мисолида кўриш мумкин.





Аммо бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган давр, глобал майдонда кечаётган ўзгаришлар, экологик муаммолар инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, бу келажак авлод тақдири учун хатарли тус олаяпти. Шу нуқтаи назардан қараганда, «Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқалиши ва истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши аҳоли саломатлигини сақлаш, айниқса, ёшлар камолоти йўлида муҳим қадам бўлди, десак асло муболаға бўлмайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи томонидан қонун лойиҳасининг концепцияси бир овоздан маъқулланди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки унинг мазмун-моҳияти фуқаролар, айниқса, 20 ёшга тўлмаган ёшлар орасида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқалиши ва истеъмол қилинишини чеклашга, бунинг оқибатида ушбу маҳсулотларнинг одамлар соғлиғига салбий таъсирини камайтиришга қаратилган. Бундан барчамиз, бутун жамият бирдек манфаатдор.

Сир эмас, дунёнинг кўплаб мамлакатлари қаторида Ўзбекистонда ҳам ҳозирги пайтда фуқаролар, шу жумладан, ёшлар ўртасида ичкиликбозлик, кашандалик ва ҳаттоки гиёҳвандлик каби иллатлар, зарарли одатлар учраб турибди. Ачинарлиси эса, бу аёллар орасида ҳам кенг тарқалаётганидир. Айрим ёш қизжувонларнинг, ўспирин йигитларнинг чекаётгани, спиртли ичимликлар истеъмол қилаётганини кўриб, ўз умрларига ўзлари зомин бўлаётганликларидан ачинасан, киши. Наҳотки, улар бу зарарли одатларнинг оғир оқибатларини англаб етишмаса, ота-оналар намунча бепарво бўлишмаса, деган фикрга ҳам борасан киши. Шу боисдан республикамизда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини 20 ёшга тўлмаган шахслар сотиб олишини тақиқлаш ҳамда улар истеъмолини ёшлар ўртасида чегаралашни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш зарурати туғилмоқда. Айни шу зарурият тақозоси билан юзага келган янги қонун лойиҳасида иш жойлари, тиббиёт муассасалари, кинотеатрлар, театрлар, цирклар, концерт ва кўргазма заллари, спорт иншоотлари, музейлар, давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бинолари, таълим-тарбия муассасаларида, болалар ва ёшлар дам олиш масканлари ва бошқа жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни тақиқлаш белгиланган.

Шу ўринда рақамларга мурожаат қилсак. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, аҳоли ўлимининг асосий сабабларидан бири айнан тамаки чекиш оқибатида келиб чиқувчи хасталиклардир. Бошқача айтганда, шу иллат туфайли бир йилда қарийб 5 миллион одам ҳаётдан барвақт кўз юммоқда. Мутахассисларнинг фикрича, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш шундай давом этадиган бўлса, 2030 йилга бориб ушбу рақам 10 миллион кишига етиши мумкин.

Баъзан чекиш меҳнат унумдорлигини оширади, мияни яхши ишлатади, деган гапсўзлар қулоғимизга чалинади. Аслида, бу нодонларча хулоса чиқаришдан бошқа нарса эмас. Чекиш аста-секинлик билан инсон руҳиятини издан чиқариб, тафаккур доирасини, идрок этиш қобилиятини, хотирани, диққат-эътиборни сусайтиради. Тузалмас саратон касаллигининг келиб чиқишига асосан тамаки ёки никотин сабаб бўлади.

Инсониятни ташвишлантираётган яна бир иллат спиртли ичимликлар истеъмолининг ортиб бораётганлигида кўринади. Дунё бўйича ҳар йили одам ўлими билан боғлиқ кўрсаткичларнинг тўртдан бири спиртли ичимликларнинг истеъмол қилиниши ортидан келиб чиқаётганини инобатга олсак, бунга ҳеч таажжубланмаймиз. Бежизга алкоголли ичимликлар БМТ томонидан тўлақонли психотроп моддалар қаторига киритилмаган.

"Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқалиши ва истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг келажакда қабул қилиниши аҳоли саломатлигини ҳимоя қилишда муҳим ҳуқуқий омил ҳисобланади. Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилиш билан боғлиқ ўлим ҳолатлари, хавфли ўсма касалликлари (айниқса, нафас тизимида учрайдиган хавфли ўсмалар)нинг, қоларверса, туғма ва оғир ногиронликнинг камайишига, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жадаллашиши сингари мақсадларга хизмат қилади.

Нурия АЙТЖАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи аъзоси

Хабар

2003 йилда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Марказий Осиё минтақасида ягона Олий ҳарбий божхона институти ташкил этилган эди. Айни пайтда жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган мазкур институтда юқори малака ва амалий тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчилар замонавий талаблар асосида тингловчиларга соҳа сир-асрорларини ўргатиб келмоқда.

Институтда байрам тадбири

Яқинда бу ерда 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда республика Маънавият тарғибот маркази вакиллари, институтнинг профессор ўқитувчилари ва тингловчилари, ОАВ ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мустаҳкам иродали, юртга садоқати билан ҳақиқий қаҳрамонликка тайёр бўлган бўлғуси божхоначилар Ватанимизнинг мустақиллигини, юртимиз барқарорлиги ва иқтисодий хавфсизлигини ҳимоялаш, аҳолининг тинч-осуда ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз ва ғаразли уринишларнинг олдини олишлари лозимлигини таъкидлаб ўтишди.

Тадбир якунида хизматда эришаётган алоҳида ютуқлари учун Олий ҳарбий божхона институтнинг бир гуруҳ ходимлари тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

Солиқ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан кўргазмали семинар ўтказилди. Бундан кўзланган мақсад мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори билан белгилаб берилган 2011 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, берилаётган имтиёзлар моҳияти, шунингдек, соҳадаги энг сўнгги янгиликлардан ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари вакиллари ҳамда кенг жамоатчиликни доимий хабардор қилиб боришдан иборатдир.

КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР

Мазкур қарорга асосан 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларининг қуйи шкаласи энг кам иш ҳақининг 6 баробаридан 5 баробарга туширилиб, солиқ ставкаси 11 фоиздан 10 фоизгача камайтирилди. Ўрта шкаласи энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдоридан 10 баробари миқдоригача, солиқ ставкаси 17 фоиздан 16 фоизгача камайтирилди. Юқори шкаласи эса энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан юқори миқдоридан 22 фоиз ставкада солиқ ҳисоблаш сақлаб қолинди.

Мамлакатимиз бюджет сиёсатига киритилган ўзгартиришлар, яъни кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ставкаларининг пасайтирилиши ҳамда солиқ юкини камайтиришга қаратилган бошқа тадбирлар ҳисобидан 2011 йилда жами 137,2 миллиард сўм солиқ тўловчилар ихтиёрида қолдирилиши кутилмоқда.

2011 йил учун солиқ сиёсатида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожланишини рағбатлантириш мақсадида ягона солиқ тўловининг амалдаги базавий ставкасини микрофирма ва кичик корхоналар учун (савдо ва умумовқатланиш корхоналаридан ташқари) 7 фоиздан камайтириб, 6 фоиз миқдорида белгиланди.

Тадбирда қарор моҳиятидан келиб чиқиб тайёрланган кўргазмали бўлимларда солиқ соҳасидаги янгиликлар намойиш қилиниб, турли информацион тарқатма материаллар ва тегишли қўлланмалар тақдим қилинди. Семинар давомида, шунингдек, БЭМ лойиҳаси томонидан ишлаб чиқилган "БЭМ-ИНФО" номли янги информацион-ҳуқуқий қидирув дастури тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

"БЭМ-ИНФО" дастурида Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган 20 мингдан ортиқ ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар жойлаштирилган. Мазкур дастур юридик ва жисмоний шахслар учун керакли ҳуқуқий-меъёрларни қисқа фурсатда қидириб топиш, дастурдан чиқмаган ҳолда ҳужжат матнини чоп этиш, доимий фойдаланадиган ҳужжатларини алоҳида каталогда жамлаб бориш, керакли ҳужжатларни уларнинг сонидан қатъи назар алоҳида ойналарда очиб ўқиш ва бошқа бир қатор имкониятларни яратади.

Кўргазмали семинарга таклиф қилинган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фаолият юритувчи кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари томонидан ўртага ташланган барча саволларга Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси вакиллари томонидан батафсил жавоб берилди.

Саида ХУДОЁРОВА,
Тошкент молия институти магистранти

Таълим

КЕЛАЖАКНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ

Юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, хоҳ у энг чекка қишлоқ бўлсин, хоҳ бир овул, у ерда замон талабларига жавоб берадиган, муҳташам ва кўркам таълим масканларини кўриб кўзингиз қувнайди. Шундай таълим даргоҳларидан бири Косон туманидаги Гувалак қишлоғининг Ғ.Раҳимов номли маҳалласида барпо этилган.

2004-2009 йиллардаги мактаб таълимини ривожлантириш дастури асосида қад ростлаган ушбу масканда бугун ҳаёт қайнайди. Кенг, ёруғ, шинам ўқув хоналарида сабоқ олаётган ёшларга ҳавасингиз келади. Уларга фан сирларини ўргатаётган, илм бўстонининг сарчашмаларидан бахраманд бўлишларида кўмак бераётган ўттиз нафар юқори малакали, олий тоифали ўқитувчиларнинг машаққатли меҳнати аллақачон ўз мевасини бера бошлади, десак муболаға бўлмайди.

— Ўқитувчи меҳнати ўқувчиларнинг олган баҳоси, улар қўлга киритаётган ютуқлари билан белгиланади, — дейди мактаб директори, фидойи педагог Ҳалима Юсупова. — Мактабимиз фаолиятини бошлагани кўп бўлгани йўқ. Лекин шунга қарамай, ўқувчиларимиз турли танлов ва олимпиадаларда ўз иқтидор ва билимларини намойиш қилишга улгурди. Чунончи, 2010 йилда бўлиб ўтган "Китобсеварлар" кўрик-танловининг вилоят босқичида мактабимиз ўқувчилари биринчи ўринни қўлга киритишди. Бош Қомусимизнинг 18 йиллиги муносабати билан ўтказилган "Конституциямиз — бахтимиз қомуси" деб номланган расм ва фото танловида республикада учинчи ўринга сазовор бўлди. Турли фанлар бўйича ташкил этилган олимпиадаларнинг вилоят босқичида совринли ўринларни эгаллашди.

Бирор бир касб-ҳунар эгаси бўлиш учун илк бўсаға мактабдан бошланади. Бири тадбиркор, яна бири шифокор, бошқаси эса ўқитувчи бўлиш ниятида бугун астойдил билим олаётган ўғил-қизларнинг эртага, албатта, орзуси амалга ошади. Чунки бунинг учун таълим масканларида барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган.

Бугунги ёш авлод — эртанги келажак. Улар тимсолида юрт истиқболи, тараққиётини кўриш мумкин. Ушбу истиқбол нурли бўлмоғи учун, аввало, уларнинг таълим-тарбия олиши, маънан ва жисмонан етук, баркамол бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор қаратиш тақозо этилади. Бу йўлда олиб борилаётган ишлар ва унинг натижаси кичик бир мактаб фаолияти мисолида намоён бўлди. Бундай мактаблар юртимизда юзлаб, минглаб. Улар бағрида камол топаётган ўғил-қизлар юрт таянчи, суянчи бўлиши, шубҳасиздир.

Ҳидоят ЖЎРАЕВА

Божхона постларида

«Терифурушлар»

Амалдаги тартибга кўра, қоракўл, мўйна ва тери маҳсулотларини республикамиздан ташқарига олиб чиқиш ман этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 25 августдаги "Чарм, юмшоқ мех хом ашёси ва қоракўл экспортини тартибга солиш тўғрисида"ги Фармонига кўра маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1998 йилнинг 1 сентябридан бошлаб тери, шу жумладан, чарм, юмшоқ мўйна ва қоракўл маҳсулотларининг экспорти тақиқлаб қўйилган.

Шунга қарамай, айрим кимсалар мўмай даромад орттириш илинжида тери маҳсулотларини четга олиб чиқишга уринишмоқда.

Яқинда қорақалпоғистонлик божхоначилар "Хўжайли" божхона пости орқали қўшни давлатга пиёда чиқиб кетаётган С.Давлетмуратовнинг қинғир қилмишларига нуқта қўйишди. Чунки ушбу "меҳмон" ёнидаги қиймати 700 минг сўмлик жами 14 дона қоракўл териларини ҳеч қандай ҳужжатларсиз, боз устига, божхона баённомасида қайд этмасдан олиб чиқишга уринган экан.

Наманган вилоятида эса божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир давомида Янгиқўрғон туманини қўшни давлат билан туташтирувчи айланма йўлда ҳаракатланаётган "Газ-51А" юк машинаси тўхтатилиб текширилганда, унда фуқаро А.Муродов томонидан қиймати 2 миллион сўмдан ортиқ 98 дона қорамол териси ноқонуний равишда олиб чиқилаётганлиги фош этилди. Шундан сўнг А.Муродовнинг хонадони ҳам амалдаги тартибларга мувофиқ кўздан кечирилганда, бу ерда ҳам қиймати 1 миллион сўмдан ортиқ 50 дона қорамол териси қонунга хилоф равишда сақланаётганлиги аниқланди.

Андижонлик божхоначиларнинг ҳамкорликдаги тезкор тадбири давомида Хонобод шаҳрининг чегарадош ҳудудида 180 дона қорамол терисини қўшни давлатга олиб чиқишга уринган А.Юсуповнинг ноқонуний ҳаракатларига нуқта қўйилди. Натижада 3,6 миллион сўмлик тери маҳсулотларининг талон-торож этилишига чек қўйилди.

Ҳозирда юқоридаги қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан божхона суриштирувлари олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида республикамиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 37 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати 205 миллион сўмдан зиёд 19 минг 207 дона тери маҳсулотларининг ноқонуний олиб чиқилишига чек қўйилган.

Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади
Телефон: (8 371) тел: 233-57-47; факс: 236-09-21
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

Дунёқараш

ОАВни эркинлаштириш ва фуқаролик жамияти

Истиқлол туфайли фуқароларимизнинг дунёқараши, тафаккури, ҳуқуқий онги ва маданиятида туб ўзгаришлар юз берди. Бугун Ўзбекистонда бошқарувни либераллаштириш, давлат ва жамиятни модернизациялаш, иқтисодиётни эркинлаштириш, адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари ОАВ фаолиятига янгича ёндашувларни тақозо этмоқда. Мазкур масала, шубҳасиз, фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бирига айланган оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш масалаларига бориб тақалади.

Маълумки, оммавий ахборот воситалари сиёсий-ғоявий, маънавий-руҳий коммуникациянинг асосий таянчи сифатида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига кучли таъсир этиб, давлат институтларига нисбатан жамоатчилик назоратининг кучайиши учун янгидан-янги имкониятларни юзага келтиради.

Оммавий ахборот воситалари — юксак ғоявий минбар, одамлар қалбу шуурига тез таъсир этувчи восита. Бу имкониятлардан самарали фойдаланиш — одамлар онгида демократия тамойилларини мустаҳкамлаш ва аҳолининг ижтимоий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш, энг аввало, инсоннинг ўзини ўзи тушуниши ва фуқароларо муносабатларни юксак маънавий-маърифий мезонлар асосида шакллантиришга хизмат қилади. Шунингдек, ОАВ институти замонавий инсонпарвар тафаккурни, фуқароларда ижодкорлик руҳи ва яратувчилик қобилиятини оширади, бунёдкорлик имкониятларини кенгайтиради.

ОАВ, аввало, миллий манфаат, жамият ва шахс эркинлигини ҳисобга олган ҳолда умуммиллий манфаатга дахлдор бўлган қадриятга айланиб бормоғи лозим. Ана шундай шароитда жамиятнинг маънавий-руҳий ҳолатига салбий таъсир этувчи, ижтимоий, миллий, этник, диний тафовут ва келишмовчиликларни кучайтирувчи, зўравонлик ва урушни тарғиб этувчи, порнография, маиший бузуқлик, шахслар мавқеига, обрўси ва шаънига салбий таъсир этувчи ахборотларни чегаралашнинг норасмий, виждон билан боғлиқ бўлган, соғлом ақл ва юксак тафаккурга таянган маънавий-руҳий меъёрлари вужудга келади.

Мамлакатимизда Президентимиз ва давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсат туфайли оммавий ахборот воситалари соҳасида юз берган тарихий янгиланишлар ҳақида сўз борар экан, икки масалага алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Биринчиси — нодавлат оммавий ахборот воситалари институтининг яратилиши. Иккинчиси — электрон оммавий ахборот воситалари тизимининг жадал ривожланаётгани масаласи.

Мустақиллик йилларида миллий матбуот тизимида илгари мутлақо кузатилмаган нодавлат оммавий ахборот воситалари институти вужудга келди. Айни пайтда бу турдаги оммавий ахборот воситалари ахборот майдонини тўлдириш ва жамиятда демократлаштириш муҳитини янада шакллантиришга бевосита ҳисса қўшмоқда. Шуни ҳам таъкидламоқ зарурки, нодавлат оммавий ахборот воситалари фаолиятини ҳам моддий техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳам кадрлар масаласида кўмаклашишга қаратилган иккита салоҳиятли нодавлат нотижорат ташкилот ташкил этилди. Айни пайтда бу икки ташкилот — Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди самарали фаолият юритмоқда.

Республикамизда телекоммуникациялар тизими соҳасида кейинги йилларда қўлга киритилган ютуқлар ҳақида алоҳида мамнуният билан тўхталиш мумкин. Бу борада эришилган ва эришилаётган муваффақиятларга соҳага давлат сиёсати даражасида қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик самараси деб қаралмоғи лозим.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасининг аввалида эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш реал воқеалардан узилиб қолишга олиб келишига алоҳида урғу берар экан, жаҳон микёсида кечаётган жараёнларда мустаҳкам ўрин эгаллаш учун ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлиш зарурлигини уқтириб ўтди. Ушбу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда Президентимиз ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган амалдаги бир қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги қонунлар қабул қилиш долзарб аҳамият касб этишини белгилаб, қуйидаги таклифларни берди:

Биринчи. "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида";

Иккинчи. "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида";

Учинчи. "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида";

"Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш;

Тўртинчи. "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонун ва бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш. "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги қонун нормаларини янада такомиллаштириш.

Демократик жамиятнинг бирламчи ва энг муҳим шарти — мамлакатда ахборот ва сўз эркинлигини қарор топтириш дунё миқёсида эътироф этилган ҳақиқат эканлигидан келиб чиқилса, муҳтарам Юртбошимиз илгари сурган ғоялар, йўл-йўриқлар, белгилаб берган мақсад ва вазифаларнинг нақадар долзарблиги аён бўлади.

Маълумки, ОАВнинг сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш механизмида жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатиш омили кўп жиҳатдан ОАВда вазиятни холис ёритиш, ислоҳотларга кенг оммани жалб қила олиш тенденцияларида акс этади. Зеро, демократлаштиришнинг самарали натижалари халқнинг, миллатнинг миллий-сиёсий менталитети, жумладан, ОАВ институтининг ижтимоий-сиёсий мавқеи, интеллектуал салоҳиятига ҳамда профессионал маҳоратига бевосита боғлиқ жараёндир.

Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш ОАВ орқали сиёсий институтлар фаолиятида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан бевосита боғлиқ. Негаки, айнан ОАВ орқали демократик тамойиллар жамиятда қадриятга айлана боради. Қонунларнинг барча учун баробарлиги қатъий таъминланиши эса жамиятнинг сиёсий тизими ва ҳокимият фаолиятининг барча тармоқларини демократлаштиришга олиб келади. Бу, ўз навбатида, ижро ҳокимияти ваколатларини амалга ошириш жараёнларининг вакиллик ҳокимияти органлари томонидан назорат қилинишини кучайтиради. ОАВ фаолиятида фуқароларни демократик жараёнларга жалб қилишнинг ўзига хос психологик моделини яратиш мазкур жараёнларда устувор масала ҳисобланади. Жумладан, ОАВда эгалик туйғуси, эркин сайловларда фаол иштирок этиш, ижтимоий ташаббускорлик масалаларига эътиборни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, фуқароларнинг жамият ва давлат ҳаётига оид сиёсий ахборотларни етарли даражада олиши давлат органлари фаолиятида ошкоралик, сиёсий сайловларда соғлом сиёсий кучлар рақобати, фикрлар хилма-хиллигида соғлом муносабатни шакллантириш ҳам ОАВ олдида турган муҳим вазифадир.

Нарзулла ЖЎРАЕВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор,
Даврон МУИТОВ,
сиёсий фанлар
номзоди, доцент

Фикр

ИСТИҚБОЛЛИ ОМИЛЛАР

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида таъкидлаганларидек, ***"... ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро — тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш..."*** каби долзарб масалаларга қаратилди. Бу жараёнда бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнинг вазифаларини ўзгартиришга, хусусан, уларнинг бошқариш, тартибга солиш ва тақсимлаш борасидаги ваколатларини, хўжалик тузилмалари фаолиятига бевосита аралашувини кескин қисқартиришга, шунингдек, давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролини жиддий камайтиришга эришилди. Ўтган йиллар тажрибаси бу жараённи жадаллаштириш учун ахборотлаштиришни давлат бошқаруви тизимига кенг жорий қилишни тақозо этмоқда.

Ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги амалий иштирокини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Аввало унинг ҳуқуқий-меъёрий базаси яратилди. Жумладан, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги қонунлар ҳамда давлатимиз раҳбарининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Бу ва шунга ўхшаш бошқа қонун ҳужжатлари давлат бошқарувининг оптимал тузилмасини яратишга хизмат қилмоқда.

Кўринадики, ахборотлаштириш давлат бошқаруви шаффофлигини таъминловчи асосий факторлардан биридир. Давлат бошқарувини ахборотлаштириш соҳасида олиб борилаётган ишлар нафақат бошқарув жараёнини енгиллаштиради, айни вақтда бошқарув тизимининг оптималлигини таъминлаш баробарида юртимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда муҳим омил бўлади.

Ж.ШУКУРОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети талабаси

Ўйлаб кўринг!

Одам ахборот исканжасида

Авволлари одамлар битта газетани ойлаб ўқиган ва ундаги ахборот дунёдан бохабар бўлиш учун етарли ҳисобланган. Бугун эса инсон ҳаётини телефон, компьютер, ТВ, радио ва нусха кўчириш аппаратлари сингари ўнлаб техника воситаларисиз тасаввур этиш қийин.

Ҳар куни ОАВ, реклама-лар, маҳсулот ўрамларидаги кўрсатмалар, мусиқа товушлари, телефондаги суҳбатлар, касбий фаолиятга доир материаллар кўринишидаги минглаб янги ахборотларни қабул қилишга тўғри келади. Аммо уларнинг барчасини тушуниш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш учун имкон йўқ. Бир янгиликни идрок этиб улгурмасдан, бошқасини эшитамиз, кейин эса улардан-да янгироқ, улардан-да қизиқарлироқ ахборотлар "ёмғир"и остида қоламиз. Натижада миямизда қайта ишланмаган, ҳеч кимга кераксиз, шахсий ҳаётимизда қўлланилмайдиган, энг асосийси, биз учун зарур ахборотларни қабул қилишга халал берувчи "ахборот уюми" ҳосил бўлади.

Қайсидир машҳур эстрада "юлдуз"ининг фарзандли бўлгани ва боланинг отаси ким экани хусусидаги тахминлар рўйхати, дунёнинг қайсидир чеккасида пул топиб, ақл топмаган миллионернинг ити ёки мушугига катта миқдорда мерос қолдиргани, ёки фазода кезиб юрган номаълум учар жисм ҳақидаги миш-мишлар... Хўш, бизга бундан нима фойда? Энг ёмони, бу керакли-кераксиз ахборотлар инсон руҳиятида янги хасталик — "ахборотдан толиқиш" синдромини келтириб чиқаради. У шахснинг узоқ вақт бир нечта масалалар устида бош қотириши, ўзаро боғлиқ бўлмаган катта миқдордаги маълумотларни хотирада сақлаши, миянинг доимий зўриқиши сингари ҳолатлар оқибатида юзага келади.

"Ахборотдан толиқиш"нинг дастлабки белгиси — уйқусизлик. Инсон кун давомида шу даражада кўп маълумотни қабул қиладики, мия уни қайта ишлаш учун ҳатто кечаси ҳам "тер тўкиш"га мажбур бўлади. Бу ҳам етмагандек, иштаҳа йўқолади. Айрим одамларда асабийлик, жаҳлдорлик кузатилади. Ҳатто ҳаддан ташқари кўп ахборот идрок ва хотирани заифлаштиради. Агар бу "огоҳлантириш"лар эътиборсиз қолдирилса, қўлларнинг ўз-ўзидан қалтираши, юз терисининг тортишиши, юрак уришининг тезлашиши кузатилади, ошқозон оғриғи безовта қилади.

— Ўқишга кирган йилим мен учун ҳамма нарса қизиқарли ва аҳамиятли кўринарди, — дейди ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси Камола Исмоилова. — Табиийки, тенгдошларим орасида ажралиб туришни, ҳар қандай соҳа ҳақида етарлича маълумотга эга бўлишни истардим. Шу тариқа Интернетдаги Google қидирув хизмати менинг энг яқин дўстимга айланиб қолди. Янги ахборот манбалари билан ҳаётимнинг айнан ўша палласида танишдим. Лекин кунларнинг бирида миямдаги ахборотлар бетартиб "сузиб" юрганини, уларни бирма-бир таҳлил қилиб, ортиқча маълумотлардан "қутулиш" зарурлигини англадим. Ҳозир бирор ахборотга дуч келар эканман, ўзимга "Менга чиндан ҳам мана шу маълумот керакми-йўқми?", "Бу ишончли ахборотми ўзи?" каби саволларни берадиган бўлдим.

Колумбиялик олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2006 йилда бутун дунё ОАВ, нашриётлар ва реклама саноати 161 эксабайт (1 ЭБ=260 байт) ахборот ишлаб чиқарган. Тасаввур қилинг, бу инсоният тарихи давомида ёзилган барча китоблардан уч миллион баробар кўп дегани! Жорий йилга келиб бу миқдор 1000 эксабайтдан ошиши ҳақидаги башоратларни ҳисобга олсак, инсоният учун ахборий жамиятда яшаш йилдан-йилга қийинлашиб бораётганига гувоҳ бўласиз.

Биргина клавиатура тугмасини босиш орқали биз Ер сайёрасида кун давомида содир бўлган воқеалардан хабардор бўламиз. Бахтсиз ҳодисалар, табиий офат оқибатлари, янги эпидемиялар ҳақидаги ўнга яқин ахборот 3-5 дақиқа ичида онгимиздан жой олади. Аммо таассуфланарли жиҳати шундаки, биз кимларнингдир бошига тушган дарду ҳасратлар, кулфатларни ҳиссиётларсиз, бир нафасда ўқиб ёки эшитиб кетишга одатланамиз. Ахборотнинг кўплиги воқеа-ҳодисаларни юзаки, тез ва чала идрок этишга сабаб бўлади. Фақат ҳиссиётларгина эмас, интеллектуал салоҳият ҳам "ўтмас"лашади. Бундай хавотирли мулоҳазаларни америкалик олим Элвин Тоффлер ҳам ўзининг "Келажак олдидаги хавотир" асарида баён қилган.

"Ким ахборотга эга бўлса, дунёга ўша эгалик қилади". Уинстон Черчилл қўллаган мазкур ибора бугунги кун шиорига айлангани ҳеч кимга сир эмас. Чиндан ҳам, ўз вақтида ва етарли миқдорда тарқатилган ахборот ҳаётни тубдан ўзгартириб юборишга қодир. Ахборотнинг кучи ҳам, қудрати ҳам шунда намоён бўлади. Шу боис бугун барчамиз, айниқса, ёшлар ахборотни ҳам ўзига яраша ўлчови, меъёри бўлишини, ундан фақат керакли миқдорда, бизга зарар эмас, фойда келтирадиган даражада олганимиз мақсадга мувофиқ эканлигини унутиб қўймаслигимиз лозим.

Яна бир ўйлаб кўринг!

Висола ҚАРШИБОЕВА,
журналист

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

СЎНГГИ 20 ЙИЛДА БИРИНЧИ САМОЛЁТ

"Sukhoi Superjet 100" авиалайнерини бўяш ишлари тугади. ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, «Спектр-Авиа» компанияси томонидан амалга оширилган бу иш икки ҳафта давом этди.

Ушбу авиалайнер сўнгги 20 йилда Россияда ишлаб чиқарилган биринчи йўловчи самолёт ҳисобланади. Унинг илк синов учиши 2008 йилда бўлиб ўтган эди. Хабар қилинишича, буюртмачиларга самолётни 2011 йилнинг иккинчи ярмида етказиб бериш режалаштирилган. Ҳаво лайнерининг асосий буюртмачиси — «Аэрофлот». 2010 йилда 30 та самолёт буюртма берган эди. Жорий йил бошида эса у буюртмалари сонини яна ўнтага кўпайтирди.

ЁРДАМГА ҲАРБИЙЛАР ЖАЛБ ЭТИЛДИ

Бразилиянинг Тересополис шаҳридаги сув тошқинидан жабрланганларга ёрдам беришга ҳарбийлар жалб этилди. Аскарлар қутқарув ишларидан ташқари, ҳалок бўлганларни кўмиш, шунингдек, талон-торожликнинг олдини олиш ишларида ҳам иштирок этади.

Сўнгги хабарларга қараганда, сув тошқини ва кўчкилар туфайли 610 киши ҳалок бўлган. "France-Presse" хабарида айтилишича, табиий офатдан, айниқса, Нова-Фрибургу музофоти катта зарар кўрди. Бу ерда 274 одам ҳаётдан кўз юмган. Ҳатто жасадларнинг кимлигини аниқламасдан кўмиш ҳоллари ҳам учраяпти. Чунки мурдаларни сақлаш учун ўликхоналарда жой йўқ.

Тошқин ва кўчкидан ҳаммаси бўлиб 14 минг нафар киши жабр кўрди. Мутахассислар бу фожиани мамлакат тарихидаги энг йирик табиий офат деб баҳолашмоқда.

1967 йили Карагуататубадаги сув тошқинида 430 киши ҳаётдан кўз юмганди.

РЕФЕРЕНДУМ ЯКУНЛАНДИ

Суданда етти кун давом этган референдум якунланди. "France-Presse" хабарида айтилишича, референдум расман ўтди, деб тан олинган. Халқаро кузатувчилар тадбирнинг очиқ ва ошкора ўтганини таъкидлашмоқда.

Референдум натижалари февраль ойининг ўрталарида эълон қилинади. Аммо мутахассислар ҳозирданоқ Жанубий Судан мустақил бўлиши аниқ, деган фикрни билдиришмоқда. Дарвоқе, умумхалқ референдумида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг 80 фоизи иштирок этган.

2005 йили Судан ҳукумати ва Судан халқ озодлик ҳаракати ўртасида шартнома имзоланганидан сўнг референдум ўтказиш имконияти туғилди. Худди ўша йили 1983 йилдан буён давом этиб келаётган фуқаролар уруши ҳам барҳам топди.

"ТУ-154" ДАН ВОЗ КЕЧМОҚЧИ

Эрон ҳукумати тўртта маҳаллий авиакомпанияга "Ту-154" самолётидан фойдаланишни тақиқлади. Мамлакат фуқаро авиацияси раҳбари Реза Нахжаванининг айтишича, жорий йилнинг 20 февралидан бошлаб 17 та ана шундай ҳаво лайнерларини эксплуатация қилиш тўхтатилади.

Сўнгги пайтларда "Ту-154" самолётларининг кўп ҳалокатга учраши ана шундай қарор қабул қилинишига сабаб бўлган. Яқинда Машҳад аэропортида ҳам "Ту-154" қўниш пайтида ёниб кетган ва натижада 40 нафардан кўпроқ йўловчи тан жароҳати олган эди.

Маълум бўлишича, Эрон Россияда ишлаб чиқарилган барча самолётларини "Airbus" ва "Boeing" билан алмаштиришни режалаштирмоқда. Шунингдек, мамлакатнинг ўзида ҳам 150 йўловчига мўлжалланган самолёт ишлаб чиқариш мўлжалланяпти.

НЕФТЬ ЭКСПОРТИ ҚИСҚАРДИ



Венесуэлада нефть экспорти 2010 йилда олти фоизга қисқарди ва бир кеча-кундузда 2,32 миллион баррелни ташкил этди. Нефть маҳсулотларини сотиш эса 14 фоизга камайган. Бунга нефтни қайта ишлаш заводларидаги бузилишлар сабаб бўлган.

Маҳсулот экспорти қисқаришига қарамай, "қора олтин" мамлакат бюджетининг 90 фоизини ташкил этмоқда. ОПЕК таркибига кирувчи Венесуэла Жанубий Америкадаги энг кўп нефть экспорт қилувчи мамлакат ҳисобланади.

Чунки у дунёдаги нефть ва газга бой ўнта мамлакатнинг бири. CIA Factbookнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига мамлакатда нефть захираси 97,77 миллиард баррел, газ захираси эса 4,983 триллион кубометрни ташкил этган.

ШУМАХЕР ХАРИДОР ИЗЛАЙДИ

Машҳур немис пойгачиси Михаэль Шумахер ўзининг Швейцариядаги вилласини сотувга қўйди. "Bild" газетасидаги хабарда айтилишича, вилланинг баҳоси 13 миллион евро. Женева кўли қирғоғида жойлашган бу уйнинг умумий майдони 750 квадрат метрни ташкил этади. Унда яшаш ва дам олиш хоналаридан ташқари, кинозал, сув ҳавзаси, теннис корти ва вертолёт қўнадиган майдон бор.

Шумахер бу уйда ўн йилдан кўпроқ яшади. Нашрнинг ёзишича, хотини уйни сотишга мажбур қилган. Шумахерлар оиласи яқинда 35 миллион евро турадиган янги уйга кўчиб ўтмоқчи.

Эслатиб ўтамиз, Шумахер «Формула-1» пойгаларининг етти карра чемпиони ҳисобланади.

КОСМОСАЙЁҲЛАР КЎПАЯДИ

"France-Presse" хабарига қараганда, «Союз» сайёҳлик кемаси 2013 йилдан яна ўз фаолиятини бошлайди. Сайёҳлик парвозларини амалга оширувчи АҚШнинг "Space Adventures" компанияси маълумотларида айтилишича, ўша йилдан бошлаб ҳар йили уч нафардан сайёҳ самога парвоз қилади.

Россия Халқаро космик станцияси экипаж аъзоларининг доимий равишда кўпайиши туфайли ўтган йили сайёҳлик парвозларини тўхтатди. Сўнгги бор сайёҳ сифатида космосга канадалик миллиардер Ги Лалиберте парвоз қилди. У парвоз неча пулга тушганини сир тутмоқда. Ундан олдинги сайёҳ Чарлз Симони эса бунинг учун 35 миллион доллар сарфлаганини яширмаган эди.

ХИТОЙ ИҚТИСОДИЁТИ ЎСМОҚДА

2010 йилда Хитойда иқтисодий ўсиш тахминан 10 фоизни ташкил қилди, дея маълум қилди Миллий бюро статистикаси катта иқтисодчиси Яо Цзинюань.

Иқтисодчининг тахминича, истеъмолга етарлича дон маҳсулотлари етказиб бериш ва ишлаб чиқаришнинг керагича кучайтирилиши инфляция тезлашишининг олдини олади. Хитой Халқаро радиоси хабарига кўра, ўтган ҳафта охирида иқтисодчилар 2011 йилда иқтисодиёт 8-10 фоизга ўсиши ҳақида маълумот тарқатишган.

Алоҳида айтиш жоизки, кўчмас мулк нархи ҳамон кўтарилишда давом этмоқда. Мутахассисларнинг 80 фоизи дунё иқтисоди қайта тикланмоқда, деб тахмин қилмоқда, 40 фоизи эса Европада узоқ давом этаётган молиявий инқирозни глобал иқтисод учун жуда катта таҳлика деб ҳисобламоқда.

ТАНКЛАР УЧУН КЎРИНМАС НИҚОБ

Буюк британиялик ҳарбий инженерлар ҳарбий техникалар учун ғаройиб ниқоб ўйлаб топишди. Бу ниқоб ҳарбий техникани, хусусан, танкларни ҳар қандай шароитда деярли кўринмас ҳолатга келтиради, дея хабар тарқатди Буюк Британия оммавий ахборот воситалари. Ушбу кашфиёт билан мамлакатнинг энг катта мудофаа концерни "BAE Systems" шуғулланмоқда.

"Электрон сиёҳ" деб ном олган мазкур ниқоб планшет компьютерларида матн ва тасвирни мониторга узатиш учун ишлатиладиган наноплёнкани ўзида мужассам этган. У жуда юпқа қатлам тарзда зирҳли техникалар учун ишлатилади, дея маълум қилди ИТАР-ТАСС.

Технология хусусиятлари қанчалик сир сақланмасин, ниқобланган техника ўз олдида турган манзара ҳолатида кўриниши маълум бўлди. Бунга ташқи муҳит маълумотларини доимий тарзда компьютерга узатиб турадиган видеокамералар ёрдамида эришилади. Компьютер бу маълумотларни таҳлил қилиб, атроф-муҳитга жуда мос тушадиган рангли гамма ва геометрик расмни танк юзасига узатади ва кўринмас ниқоб пайдо бўлади. Натижада танк атроф-муҳит манзараси билан мутлақ уйғунлашиб кетади.

"Электрон ниқоб" етти хил машина учун мўлжалланмоқда. Ва улар нафақат экипаж, балки роботлар ёрдамида ҳам бошқарилади. Бу роботлар миналарни топиши, зарарсизлантириши ва яраланган жангчини хавфсиз жойга олиб чиқиши мумкин, деб ёзади "The Daily Telegraph" нашри.

Шарҳ

ДИОКСИН МОЖАРОСИ



Жорий йилнинг январь ойи бошида Германияда минглаб товуқ ва чўчқа фермалари ёпиб қўйилди. Бунга уларнинг озуқаси таркибидан диоксин моддаси топилгани сабаб бўлди. BBC News хабарига қараганда, Германия ҳукумати вакиллари озуқадаги диоксин инсон саломатлигига зарар етказмайди, фермаларнинг ёпилиши эса шунчаки текширув ўтказиш учун дея таъкидлашган. Хабарда айтилишича, қуйи Саксония, Шимолий Рейн-Вестфалия ва Шлезвиг-Гольштей ерларидаги товуқ ва чўчқа фермаларига маҳсулотини сотиш тақиқланди. Чунки текширувларда гўшт таркибидан ҳам диоксин топилган. Маълум бўлишича, Шлезвиг-Гольштейн ерида жойлашган "Harles & Jentzsch" компанияси маҳсулот ишлаб чиқаришда биодизел ёнилғиси тайёрлашда ишлатиладиган токсик ёғлардан фойдаланган экан.

"The Local" нашрининг ёзишича, мамлакат товуқ ва чўчқа фермаларига 30 минг тоннадан 150 минг тоннагача зарарланган озуқа етказиб берилган. Шунинг учун ҳам ҳукумат вакиллари "Harles & Jentzsch" компаниясига қарши санкция қўллаш ташаббуси билан чиқди. Уларнинг таъкидлашича, компания немис маҳсулотлари сифатига соя ташлайдиган иш қилган.

Германиянинг яна бир нашри — "Hannoverische Allgemeine Zeitung" мухбири қизиқ бир хабар тарқатди. Унинг ёзишича, компания вакиллари ўз маҳсулотлари таркибида диоксин борлигидан 2010 йилнинг мартида хабар топишган. Лекин шу пайтгача бепарво юраверишган. Энг ачинарлиси, зарарли озуқа ишлаб чиқаришда давом этишган. Германия қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўтган йилнинг декабрь ойида озуқа сифатини текшириб кўргандан кейингина, юқоридаги ҳолат аниқланган.

Бу хабар тарқалиши билан барча давлатлар ҳушёр тортиб қолишди. ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, Росссия Германиядан келаётган чўчқа ва товуқ гўшти сифатига назоратни кучайтиради. "Росқишлоқхўжаликназорат" матбуот котиби Алексей Алексеенконинг таъкидлашича, бу маҳсулотлар инсон саломатлигига жиддий хавф солади.

"Шу пайтга қадар на Германия ветеринария хизмати, на Еврокомиссия бу ҳақда бизни расман огоҳлантирмагани ташвишланарли, — деди Алексеенко. — Бу Европа Иттифоқида инсон ёки ҳайвонга нисбатан бирор бир хавф туғилганда унга қарши курашиш бўйича аниқ бир тизим йўқлигини кўрсатмоқда".

Алексеенконинг айтишича, Россия ҳатто Германиядан товуқ ва чўчқа гўшти келтирилишини тақиқлаши ҳам мумкин.

Йил бошида мамлакатдаги 4700 та товуқ ва чўчқа фермалари фаолияти тўхтатилган. Лекин бу билан муаммо ҳал бўлгани йўқ. Негаки,таъкидланганидек, ўтган йилнинг мартидан буён (балки ундан ҳам олдинроқдир) диоксинли озуқа ишлаб чиқарилган. Демак, орадан ўтган тўққиз-ўн ой давомида бу маҳсулот қанчадан-қанча фермаларга етказиб берилган. Бу инсон саломатлиги учун хавфли бўлган тухум ва гўшт бутун Европага тарқалган бўлиши эҳтимоли борлигини англатади. Бугун фермаларнинг вақтинча ёпилиши эса хавф даф қилинганини билдирмайди. Шундай экан, Европа Иттифоқи доирасида махсус комиссия тузиб, жиддий текширув олиб бориш лозим. Бу етакчи биолог ва тибиатшунос олимлар фикри. Уларнинг айтишича, масалани ижобий ҳал этишнинг ягона йўли — шу.

ПОРТДАГИ ДЕНГИЗЧИЛАР МАШМАШАСИ

Уч йилдирки, 17 нафар россиялик денгизчи, Испаниянинг Уэльв шаҳридаги портлардан бирида она юртларига қайтиш имконини берадиган суд ҳукмини кутишмоқда, деб ёзади "El Pais" нашри.

Улар иккита — Jouzas Aleksonis ва Tralmesister Mogliton номли бир-бирига яқин жойлашган кемаларда яшашмоқда. "Бу кемаларда яшаш жуда аянчли, бунда тез-тез электр энергияси ўчиб қолади, баъзан сув танқислиги томоқларни қақратади, деб ёзади Лидия Хименс.

2005 йилдан бошланган бу машмашанинг мураккаблиги шундаки, Испания адлия суди Россия ва Мавритания ўртасидаги ушбу кемаларга эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги тортишувларни ҳал этишидадир. Бироқ бу эпопея яқин ҳафталар ичида ўз ечимини топади", дея хабар қилади маҳаллий матбуот. Уэльв денгиз порти раҳбариятининг ишонтиришича, кемалардан биттасини яқин йигирма кун ичида Альхесирасга жўнатилади. Бунинг учун барча ҳужжатлар тайёр, ҳаттоки буфер ҳам ёлланган.

Воқеа 2005 йилда Россия байроғи остида икки кема Мавритания сув ҳудудида балиқ ови билан шуғулланишидан бошланган. Ўшанда бож ва лицензия тўлашдаги келишмовчилик сабаб Мавритания ҳукумати кемаларни мусодара қилиш ва уларни сотишга қарор қилганди. Орадан бир йил ўтгач, техник таъминот учун кемалар Уэльв портига киришга рухсат сўралган, лекин бир неча ойлар мобайнида ҳеч қандай таъмирлаш ишлари олиб борилмаган. Шундан сўнг суд тақиқлари ўз кучига кирди. Испания адлия бошқармаси кемаларни вақтинчалик ҳибсга олди. 2007 йили мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи Россияга берилди. Аммо кемалар олиб кетилмади.

ҲАЙДОВЧИЛАР: ГИЁҲВАНД, АРОҚХЎР...

Россия Бош прокуратураси мамлакатда 14 мингта ҳайдовчилик гувоҳномаси гиёҳванд ва ароқхўр кимсаларга ноқонуний тарзда берилганини фош этди.

Текширув ниҳоясида ҳар бир минтақа суд идораларига наркодиспансер рўйхатида турувчи шахслардан ҳайдовчилик гувоҳномалари олиб қўйилсин, деган мазмунда талабнома юборилди. Бу ҳақда ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги хабар тарқатган.

Шунингдек, Россия Бош прокуратураси ходимлари машина бошқариши тақиқланган кишиларга ноқонуний маълумотнома ва ҳуқуқ берган тиббиёт ва милиция ходимларига нисбатан текшириш ишларини бошлаган.

2009 йилги маълумотларга қараганда, гиёҳванд модда таъсирида машина бошқарган 31 минг нафарга яқин ҳайдовчилар ўз гувоҳномаларидан айрилган. Бу кўрсаткич 2008 йили 25 мингтани ташкил этган.

СОБИҚ ГУБЕРНАТОР АСЛИГА ҚАЙТДИ

2003-2010 йиллар давомида Калифорния штати губернатори лавозимида фаолият юритган Арнольд Шварцнеггер яна кинога қайтишга қарор қилди. Бу хабарни яқинда "Россия-24" телеканали эфирга узатди.

"Метин Арни"нинг Австрия ОАВга берган интервьюсида, айни кунларда у 3 та сценарийга таклиф этилганини, шунга қарамай губернатор-актёр, тўғрироғи актёр-губернатор сиёсатга шўнғишидан аввал суратга тушишни режалаштириб юрган "Бургутники каби қанотлар билан" фильми сценарийсига қизиқиши сўнмаганини маълум қилди.

Шварцнеггернинг эътирофича, губернаторлик пайтида у 200 миллион АҚШ доллари миқдорида зарар кўрган. Лекин бундан асло афсусланмаслигини билдирди.

Олам ажойиботларга тўла

КАЛАМУШ ДАСТИДАН ДОД!



Қишлоқ хўжалик экинларига зарар келтиришда каламушга тенг келадиган кемирувчи йўқ ҳисоби. Шунинг учун ҳам бутун дунёда ушбу кемирувчи жонзотга қарши жиддий кураш олиб борилмоқда. Бу борада Бангладеш ҳукумати ўзига хос йўл тутди. Мамлакат қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан каламушга қарши кураш миллий кампанияси ўтказилди.

Йил якуни бўйича энг кўп каламуш ўлдирган кишига рангли телевизор бериш ваъда қилинганди. 14 дюмли "Sony" телевизори 40 ёшли фермер Биной Кумар Кармакарга насиб этди. У йил давомида қопқон ва турли заҳарли моддалар ёрдамида 39650 та каламушни ер тишлатган. Фермер ўз ишининг исботи сифатида вазирлик қошидаги комиссияга кемирувчиларнинг думларини тақдим этди.

Мамлакат қишлоқ хўжалиги вазирлиги вакилининг таъкидлашича, тадбир давомида 25 миллионта зараркунанда йўқ қилинган. Маълумотларга қараганда, Бангладешда каламушлар ҳар йили етиштирилган дон ҳосилининг ўн фоизини еб тугатади.

ОҚ КИТЛАР ГАПЛАШИШНИ БИЛАДИ

Биологларнинг таъкидлашича, оқ китлар эхо тўлқини орқали бир-бирлари билан гаплашишар экан. Ванкуверлик олимлар сув остига тушиб, махсус мосламалар орқали оқ китлар ўзаро ахборот алмашадиган 29 турдаги товушларни ёзиб олишга муваффақ бўлишди.

Тадқиқотларда аниқланишича, ушбу сув жониворлари ўзига бирор махлуқ ҳамла қилса, маълум бир сигнал орқали бу ҳақда тўдасига билдиради ва уларни ёрдамга чақиради. Улар юборган бошқа сигнал китларнинг ёлғиз эканликларини англатса, яна бир сигнал орқали жуфт ҳолда сайр қилишаётгани ҳақида хабар беради.

Табиатнинг ушбу ноёб сут эмизувчилари сув ости товушларини акс-садони ушлайдиган ўзига хос локациялар орқали эшитади ва унга жавоб қайтаради. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, оқ китларнинг болалари худди одам болаларига ўхшаб ёшлигида аста-секин "гаплашиш"ни ўрганишади. Бир неча йилдан сўнг эса катталар каби бемалол "гаплашадиган" бўлишади.

ПАРРАНДА ЁҒИДАН ЁНИЛҒИ

Ҳозирги кунда автомобилсозлик ва самолётсозликда ёнилғи сифатида асосан нефть маҳсулотларидан фойдаланилади. Биргина АҚШ авиакомпаниялари бир йилда шу мақсадда 19 миллиард галлон керосин ишлатади. Лекин у табиатга жуда катта зарар етказмоқда. Шунинг учун кўп йиллардан буён дунё олимлари зарарсиз ёнилғи топиш йўлида изланишлар олиб боряпти.

Тарихий манбалардан аниқланишича, Иккинчи жаҳон урушидан олдин Германияда ҳайвонот, асосан товуқ ёғи, денгиз ўтлари, ёввойи ўсимликлар ва оз миқдорда ёнилғи аралашмасидан ёнилғи тайёрлаш технологияси яратилган экан. Олимлар бу ёнилғини энергия ресурслари камайиб бораётган бугунги кунда нефть маҳсулотлари ўрнини босувчи асосий манба сифатида эътироф этишмоқда.

Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси хулосасига кўра, 2025 йилда ҳар тўрт самолётдан бири, 2030 йилда ҳар учтадан бири биологик ёнилғи ёрдамида парвоз қилади.

ОЧКЎЗ АКУЛАЛАРНИНГ ҚИЛМИШЛАРИ



Акула нафси ҳакалак отган сув жонивори эканини яхши биламиз. У шунчалик очкўзки, нима тўғри келса ютиб юбораверади. Яқинда "The Times" газетаси турли йилларда акулалар ошқозонидан топилган буюм-нарсалар рўйхатини эълон қилди.

1821 йили денгизчилар акула тутиб, қорнини ёриб кўришганда икки дона доллар тангаси топилади. Орадан икки йил ўтгач, овланган акула ошқозонидан эса битта бутун қўй, қўзичоқнинг калласи, қисқичбақа оёқлари чиқади. Ўша йили денгизчилар яна бир акулани тутишади. Буни қарангки, унинг қорнида олти футлик тўп ўқи бор экан.

1856 йили Янги Орлеанда чиқадиган газеталар шовшувли бир хабарни тарқатишди. Унда айтилишича, балиқ овловчилар ушлаган очкўз жонивор ошқозонидан одам жасади топилган. Инсонни ютиб юборган акула ҳақидаги хабарлар шу билан якунланмайди. АҚШнинг Фиум шаҳри яқинида ушланган акула қорнидан ҳам одам кийимлари ва суяклари чиқади. Сиднейдаги аквариумга олиб келинган акула ўқчиганда, оғзидан бармоқларига татиуровка чизилган қўл чиқади. Полиция Жеймс Смит исмли киши очкўз жонивор қурбонига айланганини аниқлайди.

Интернет хабарлари асосида Азиза ПРИМОВА тайёрлади

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
«ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати
ПОЧТА АЛОҚАСИ
хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

НИГОҲ

Мамлакатимизда Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг жорий этилиши, унинг асосида умуммиллий давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ва ҳаётга татбиқ этилиши барча соҳалар каби ОАВ учун журналист кадрлар тайёрлаш ишларида ҳам ўз самарасини бермоқда. Чунончи, «Hurriyat» газетаси қошида ҳам ўз ўқув амалиётларини ўтказиш, малака сирларини ўрганиш мақсадида таҳририятга ташриф буюрадиган бўлажак ҳамкасблар учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

Қуйида улардан айримларининг ижод намуналари газетхонларга ҳавола этилмоқда. Мавзулар турли, ифода усуллари ҳар хил, энг муҳими, ўз қарашлари, фикр ва мушоҳадалари акс этган мақола ва лавҳалар сизларда ҳам таассурот қолдиради, деган умиддамиз.

Лаҳзада олам мужассам

МЕН ВА ТЕНГДОШЛАРИМ

Агар биров мендан кимлигимни сўраса, фуқаролик паспортимни кўрсатаман. Унда мен ҳақимда керакли бўлган барча маълумотлар ёзилган. Агар бутун бошли халқдан кимлигини сўрашса-чи? У ҳеч иккиланмай ҳар томонлама баркамол фарзандларини кўрсатади. Демак, мен ва тенгдошларим — халқнинг амалдаги паспортларимиз.

«МУХЛИС»

Нохасдан «Ўзбекистон» радиоканали орқали эфирга узатиладиган жонли мулоқот гувоҳига айландим. Бир мухлиснинг телефон орқали футбол жамоамиз ҳақида айтган фикрлари эътирозимга сабаб бўлди:

"Ўзбекистонда 27 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Наҳотки, шунча одамнинг ичидан 11 та тузук ўйинчи чиқмаса. Мен миллий терма жамоа билан бўладиган учрашувларни деярли кўрмайман. Ундан кўра бошқа каналдан намойиш этилаётган мультфильм мен учун қизиқроқ", деди ўша мухлис.

Бошловчи нима, деб жавоб берар экан, деб қизиқдим. У вазиятни холис баҳолади. Айни фурсатдан фойдаланиб, яқин йиллар ичида ўзбек футболи кўлга киритган ютуқларни бир-бир санаб ўтди. Тавба, бояги мухлис ўша кезларда қаерда бўлган экан-а!? Эҳтимол, бошқа каналдан мультфильм томоша қилиб ўтиргандир.

Бобур ЭЛМУРОДОВ,
ЎзМУ талабаси

Болалар спорти

Чиниқувчилар маскани

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли Сирдарё вилояти ва туманларида улкан бунёдкорлик ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вилоят марказида болалар спортига мўлжалланган қатор иншоотлар қад ростлади. Шулардан бири Гулистон шаҳридаги ёш спортчиларни тайёрлаш вилоят марказидир.

Ҳозирги кунда унга тажрибали мутахассис Бахтиёр Худойбердиев раҳбарлик қилмоқда. Марказ ўз фаолиятини 2009 йилда бошлаган эди. Қисқа муддатда вилоят мактаблари ўқувчилар орасидан спортнинг 8 та тури бўйича 690 нафар ўғил-қиз жалб этилди.

Марказ ҳудудидаги мини футбол, ишқибозлар учун стадионлар, қишки мавсумда ҳам шуғулланиш мумкин бўлган ёпиқ сузиш ҳавзалари, спорт зали улар ихтиёрига берилди. Ҳозирда яратилган қулайликлардан 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар фойдаланишмоқда. Бу ерда шуғулланаётган болаларга армрестлинг (қўлда куч синашув) туридан халқаро спорт устаси Фарҳод Худоёров мураббийлик қилмоқда. Қиз болаларга сузиш бўйича умидли ёш мураббий Севилья Сейдаметова, енгил атлетикадан Дилором Раҳимовалар соҳа сирларини ўргатмоқдалар.

— Мураббийларимиз ўз тўгараклари машғулотларини мунтазам ўтказиш билан кифояланмайдилар, — дейди марказ директори. — Улар ўтган йили ўтказилган «Ёз — 2010» болалар спорт мусобақаси ва ўқитувчилар спартакиадасининг вилоят босқичи беллашувларига ҳакамлик қилдилар. Ушбу мусобақаларни ташкил этишда халқ таълими бошқармаси бош мутахассислари ҳамиша камарбаста.

Эътиборли томони шундаки, марказга яқин жойлашган умумтаълим мактаблари ва коллеж талабалари ҳам бу ерда тез-тез спорт мусобақаларини ўтказиб туришади.

Лола ҚЎЗИБОЕВА,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси

Хулоса

«Диққат, саволни ўқийман!»

Инсон миясидаги ҳужайралар 30 ёшгача ривожланиб, сўнгра бирин-кетин нобуд бўлар экан. Ҳурматли билимдонлар, ўйлаб кўринг, япон олимларининг фикрича, ҳужайралар нобуд бўлишини олдини олиш учун биз нима қилишимиз керак?"

Бу — "Заковат" интеллектуал кўрсатувининг бошловчиси томонидан берилган савол эди. Инсон туғилибдики, умрининг охиригача турли саволларга жавоб топиш билан машғул бўлади. Жумбоқлар, сир-синоатлар орасида яшайди. Шу билан бирга, агар у ақлий салоҳиятини ишга солса, деярли барча муаммоларни ечишга қодир.

Ҳозир интернет замони бўлса-да, билимдон бўлиш учун ушбу техник воситанинг ўзи камлик қилади. Бошқача айтганда, ақлни чархлашда китобга тенг келадиган восита йўқ. "Заковат" кўрсатуви муаллифи Абдурасул Абдуллаев айтганидек, жамоаларда ўйнаш истаги билан келган ёшларга биринчи навбатда "Қайси адабиётларни ўқигансиз?" дея мурожаат қилиниши бежиз эмас.

Ёшларни билимлар дунёсига олиб киришда "Заковат тақдим этади", "Дақиқа қадри", "Дақиқа қадри-2" деб номланган китобларнинг алоҳида ўрни бор. Бу қўлланмалар орқали минглаб ёшлар, жумладан, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида таълим олаётган ўғил-қизларнинг ўзлари ҳам "Заковат" ўйинларини ташкил этиб, билимдонлар сафини кенгайтирмоқдалар.

Бундай ўйинларни ташкил этишда Қашқадарё вилояти, Китоб туманидаги 31-мактаб ўқитувчиси Зуҳра Йўлдошеванинг ташаббуслари яхши натижа беряпти.

— Конституциямизнинг 18 йиллигига бағишлаб мактабимизда бошланғич синф ўқувчилари билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Заковат" интеллектуал ўйинининг навбатдаги мусобақасини ташкил қилдик, — дейди у. — Саволлар ўқувчиларнинг ўзлари томонидан тузилган бўлиб, ҳар бир тўғри жавоб учун рағбатлантирувчи мукофотлар қўйилди. Муҳими, бўш ўзлаштирувчи болалар ҳам ўйинда ўзларини синаб кўриш истагини билдирдилар. Албатта, уларга имконият берилди. Шу тарика, ўқувчилар билим олиш, китоб ўқишнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини англаб боришмоқда.

"Заковат" интеллектуал ўйинига муносабатлар турлича. Кимдир унинг ҳақконийлигига ишонса, яна кимдир "Саволларнинг жавоби олдиндан бериб қўйилган" қабилида фикр юритади. Олти йилдан бери мазкур ўйин "ичида юрган" Хушнуд Худойбердиев бу борада шундай дейди:

— "Заковат" иштирокчилари сафидан жой олганимдан бери жуда кўп одамлардан худди шу саволни эшитиб келаман. "Заковат"нинг бошқа интеллектуал ўйинлардан фарқи шуки, у — бир дақиқа ичидаги фикрлар жанги. Баҳслар давомида вариантлар алмашади, фикрларга аниқлик киритилади ва зийрак томошабин учун бу жараённи экран орқали илғаб олиш қийинчилик туғдирмайди. Дейлик, жавоб олдиндан маълум. Бундай ҳолатда баҳс ҳам, мунозара ҳам сунъий бўлади. Баҳс-мунозарани "ўхшатиб" бериш учун актёрлик маҳорати талаб этилади. "Заковат"да эса актёрлар эмас, турли соҳаларда таҳсил олаётган талабаю ўқувчилар ўйнайди.

Стол атрофида бир дақиқанинг ҳар бир сониясини қадрли билиб, "жумбоқ ечими"ни излаётган билимдонлар қатори экран қаршисидаги мухлислар ҳам саволнинг бошловчи томонидан эълон қилинажак тўғри жавобини интиқлик билан кутади. Улар жўнатаётган саволлар эса қизиқарлилиги, мантиқий фикрлашни талаб этиши, содда ва халқчиллиги билан билимдонларни оҳанрабодек жалб этиб келмоқда. Биргина ўйин давомида минглаб ёшлар ушбу кўрсатувнинг мухлиси ва иштирокчисига айланади. "Заковат"нинг яна бир иштирокчиси Умид Валиевнинг маълум қилишича, таълим муассасаларида ўйин қуйидаги тартибда ўтказилади:

Жамоалар сони битта билан чекланиб қолмайди, балки иккитадан бошлаб то элликтагача жамоа бемалол ўйинларда иштирок этиши мумкин. Мактаблар миқёсида ўтказилган турнирларда болаларнинг ёши ҳам эътиборга олиниб, саволлар соддароқ характерга эга бўлади. Асосан топишмоқ ёки мантиқий ўйлаб топиш мумкин бўлган саволлар берилади. Бир дақиқадан сўнг жавоб ёзилган қоғозга жамоа номи ҳам қайд этилиб, ҳайъат аъзолари муҳокамасига топширилади. Тўғри жавобни ёзган билимдонлар гуруҳига очко берилади.

Айтиш мумкинки, "Заковат" замон билан ҳамқадам.

Мухлислар учун махсус zakovat@mtrk.uz электрон манзили ташкил этилган ва у — саволларни йўллаш ёки кўрсатув иштирокчилари билан мулоқот ўрнатиш учун яхши имкониятдир.

Кўрсатув илк бор эфир юзини кўрганига яқинда ўн йил тўлди. Миллионлаб мухлислар қалбидан жой эгаллаш замирида тинимсиз изланиш ва машаққатлар ётгани сир эмас. Бинобарин, "Заковат"нинг қўлга киритган ютуқлари кам эмас, аксинча анча салмоқли. Хусусан, кўрсатув муаллифи, стол атрофидаги ўйинчилар, савол йўлловчилар қалбидаги ҳаяжон эвазига берилиши мумкин бўлган энг яхши мукофот — юртимизда билимдон, изланувчан, фикри теран ёшларнинг сафи кенгайиши бўлса, ажаб эмас.

— Ҳа, дарвоқе, юқоридаги саволга қайтсак. Ёшликдаги ҳужайраларни сақлаб қолиш учун, шунчаки, КЎПРОҚ ФИКРЛАШ КЕРАК!

Мухлиса МЎМИНОВА,
ЎзМУ магистранти

Хотира

Шарафли касб соҳиби эди...

Шундай инсонлар бўладики, улар ёнгинангизда яшаётганида гоҳ эътибор берасиз, гоҳи йўқ. Сиз учун нақадар қадрли ва азиз эканини эса уларни буткул йўқотиб қўйганингиздан сўнг алам билан, ўкинч билан англаб етаркансиз. Зотан, ўлим ҳақ. Одамдан қоладигани эса эзгу фазилатлар, хайрли ишлар ва қобил фарзандлару шогирдлар...

Инсон ҳаёти ва саломатлигини дунёдаги ҳеч бир неъматга қиёслаб бўлмайди. Беморларнинг дардига дармон бўлиш эса энг шарафли ва масъулиятли ишлардан биридир. Шундай касб эгалари — шифокорлар ҳар доим эл-юрт ҳурмат-эътиборида. Бойсунлик Зиёдулла ота Муқимов ҳам ана шундай заҳматкаш инсонлардан бири эди. У узоқ йиллик фаолияти давомида ўзининг иқтидори, касбига фидойилиги билан халқ орасида эътибор қозонди.

Мен у киши билан ҳамсуҳбат бўлган чоғларимда унинг нақадар мулоҳазали, теран фикрли, қолаверса, қалби дарёлигига ҳавас қилардим. Шундай суҳбатларнинг бирида кекса шифокор ўз касбининг шарафли ва машаққатли жиҳатлари ҳақида фахр-ифтихор билан сўзлаб берган эди:

— Чиндан ҳам, шифокорлик — масъулиятли ва машаққатли касб, — деган эди у. — Шундай пайтлар бўладики, ўлим билан курашиб ётган беморнинг сендан нажот истаб, қора кўзларини умид билан тикиб турганини дилдан ҳис этасан. Нима қилиб бўлса-да, унинг ҳаётини сақлаб қолишни жуда-жуда хоҳлайсан. Дардига даво топа олганингдан сўнг бутун вужудингдаги чарчоқ ва ҳаяжон бир зумда унутилиб, ўзингни енгил сезасан. Аслида ўз тақдирини сенинг қўлингга топширган инсонларнинг дардига шифо бўлишдан ҳам ортиқроқ бахт бўлмаса керак.

— Ўзингиз мустақил ўтказган илк операцияни қандай хотирлайсиз? — деб сўрардим мен қизиқсиниб.

— Дастлабки ўтказган мустақил операциям кўричак жарроҳлиги бўлган. Тўғриси, ўшанда мени қаттиқ ҳаяжон босган. Операция давомида иложи борича ҳаяжонни енгишга ҳаракат қилганман. Шифокор елкасидаги бурч, юксак масъулият ҳар қандай ҳаяжон ва қўркувни енгишга қодир экан. Мен буни ўша илк операциям жараёнида ҳис этганман. Хуллас, йигирма дақиқадан сўнг қилган ишим кутганимдан ҳам муваффақиятли якунланганидан жуда қувонганман. Бу шифокорлик фаолиятимдаги илк ютуғим бўлгани учунми, ўша кун ёдимда бир умрга муҳрланиб қолган.

Ўз касбининг чинакам фидойисигина ҳақиқий шифокор бўла олади. Ярим тунлигига қарамай, ширин уйқудан воз кечиб, оғир ҳолатда олиб келинган беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун тезда касалхонага етиб боришга тўғри келади. Бу билан шуни айтмоқчиманки, шифокор учун вақт ва ҳолатнинг аҳамияти бўлмаслиги керак. У ҳар қандай пайтда ёрдамга муҳтож беморларга ёрдам қўлини чўзиб, ўз бурчини сидқидилдан адо этиши лозим.

Рафиқам Шаҳодат Азизова кўп йиллар биринчи тоифали шифокор — кардиолог сифатида меҳнат қилган. Икки ўғлим ҳам айнан тиббиёт соҳасини танлашган. Қувончим шуки, ҳаётда нимаики топган бўлсам, касбимдан топдим. Унинг менга берган энг катта инъоми, шубҳасиз, халқ эътибори, меҳри ва ишончидир...

Ҳа, Зиёдулла отанинг босиб ўтган ҳаёт йўли, шифокорлик фаолияти чиндан-да эътирофга лойиқ эди. Агар у киши ҳаёт бўлганида, бу йил етмиш беш ёшни қаршилаган бўларди. Унинг шогирдларига беражак илм хазиналари, фарзандларига илинажак ўгитлари кўп эди. Аммо кўнгилга берадиган таскинимиз шуки, бундай яхши фазилатли инсонларнинг ҳаёти уларнинг дўст-ёрлари, яқинлари тимсолида ҳали узоқ давом этади.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
ЎзДЖТУ талабаси

Луқма

«ПЛАН» УЧУН ПОЙГАМИ?

Кунимиз самарали ўтишида транспорт воситаларининг ўрни катта. Айниқса, замонавий автобуслар узоғимизни яқин қилишда жонимизга оро кираяпти. Йўловчилар манфаатини кўзлаб қилинган ғамхўрлик туфайли ҳар куни минглаб йўловчилар ўз манзилларига соғ-саломат етиб олмоқда.

Юртимиз аҳолиси учун янада қулайликлар яратиш мақсадида кейинги йилларда янги-янги йўналишлар очилиб, автобус қатнови йўлга қўйилмоқда.

Йўловчи ташиш хизмати замон талаблари даражасига келтирилмоқда. Аммо...

Пойтахтимизда айрим йўналишларда қатнаётган автобусларнинг ҳайдовчилари орасида "пойга"чилар ҳам учраб қоляпти. Эҳтимол, улар ўзларини телешоулардагидек авто пойгада иштирок этаётган спортчиларга қиёслашаётгандир. Бекатлардан биринчи бўлиб одам олиш учун шу даражада шошиладики, ҳатто айрим тўхташи лозим бўлган жойларда тўхтамасдан ҳам ўтиб кетаверишади. Ҳа, минг афсуски, сўнгги вақтда худди шундай воқеалар шаҳримизнинг турли жойларида тез-тез содир бўлиб турибди.

...Сешанба куни эди. Дарсларим кўплиги сабаб ўқишдан кеч чиқдим. Соат чамаси кечки тўртлар. Факультетимиз яқинидаги бекатдан 77-йўналишда Чилонзорнинг 25-мавзеси ва аэропорт орасида қатнайдиган автобусга чиқдим. У йўловчилар билан тўлган. Ҳайдовчи автобус ўрнига гўё "Нексия" бошқараётгандай "Матиз" ва "Дамас" сингари енгил уловларни ортда қолдириб, қушдек учиб боряпти. Шу зайлда 5-6 бекат юрганимиздан сўнг худди биз чиққан автобусга ўхшашига дуч келиб қолдик. Ҳақиқий "пойга" ана энди бошланди. Кутилмаганда ҳалиги автобус олдинга ўтиб, йўлимизни тўсиб қўйди. Шунда уларнинг бир-бирига урилиб кетишига бир баҳя қолди. Салондаги одамлар эса қаттиқ силкинишдан мувозанатларини йўқотишди. Кампирлар устига чоллар, йигитлар устига қизлар, ҳайдовчи устига чиптачи миниб қолди. Ана кўринг томошани...

Силкинишдан енгил жароҳат олган отахон автобус ҳайдовчисига танбеҳ берди:

— Болам, бу нима қилганинг? Ахир, йўловчилар ҳаётини хавф-хатарга қўяяпсизлар-ку!

Бунга жавобан:

— Бизда «план» бор, — деди ҳайдовчи...

Ҳа, бир қарашда ҳайдовчининг ҳам гапида жон бор. Бироқ тўртта одам оламан, деб 40 кишининг ҳаётини хатарга қўйиш яхшими?

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

МАЪНАВИЯТ

Адаб гулшани

Оила шарафи

Оиладаги тотувлик, аҳиллик, одоб ва ахлоқ жавоҳирлари билан безаниш, ота-она, фарзанд, қўни-қўшни ўртасидаги муносабатлар ҳар бир халқнинг турмуш маданиятини белгилаб беради. Таъбир жоиз бўлса, унинг кучини, салоҳиятини намоён этади.

Провийлар таъкидлайдиларки, Шарқ отанинг оилавий бурчи, зиммасидаги масъулиятга бўлган юксак эътибори, фарзандлар иқболи йўлида қилган меҳнатлари туфайли аҳлоқ ва маънавият маҳзани бўлиб келган. Она эса садоқат, меҳр, мурувват бешигини тебратган, оиладаги покиза нурни сақлаб, уни авлодларга етиб боришини таъминлаган фидойи, жаннатий зот.

Алишер Навоий айтади:

Бошни фидо айла ато қошига,
Жисмни садқа қил ано бошига.

Бинобарин, "Таниқлигу шарафинг отангдандир, меҳрибонлик, мушфиқлик онангдандир". Умуман, ота фарзанд тарбиясида нақкош, она заргар. Бола қалби, маълумки, топ-тоза, текис, мажозий маънода "сирли ёғоч". Уни ота ўз ибрати, панд-насиҳатлари билан йўниб, маълум бир шаклга келишига кўмаклашади. Токи, бола ўз қалбига ўзи эгалик қилишни ўргансин, уни келгусида янада гўзал нақшлар билан тўлдириб, камолотга эришсин. Она кўнгил заргаридек фарзанд ҳиссиётларини тўғри англаб, ушбу ҳиссиётларни дуру марвариддек тизилишига бош-қош бўлади.

Нақл қилишларича, Улуғбек ҳукмронлиги пайтида самарқандлик таниқли бир савдогарнинг уч қизи бўлган экан. Отаси ҳар сафар дўкондан қайтиб келгач, ҳар бир қизидан ҳол-аҳвол сўрар, эшитган ҳикоятлари ва ривоятларидан ўз ўрнида фойдаланиб, қизларни одобда якто, ақлда беназир, муомалада бебаҳо, ғайратшижоатда оҳу бўлмакликка даъват этар экан. Она эса, ўз навбатида, ҳар кеча уч қизнинг кўнгил олами қулфларини очиб, у ерда бўлаётган воқеа-ҳодисотлардан хабардор бўлиб, қизларнинг хавотирини юмшатиб, бирини каштадўзликка, бошқасини дўппидўзликка, учинчисини нонпазликка ўргатибди.

Йиллар ўтиб, қизлар турмушга чиқишибди. Самарқанднинг уч моҳир ҳунарманди бўлиб танилибди. Энг муҳими, савдогарнинг уч қудаси ҳар сафар у билан кўришганларида тўрт марта таъзим қилишни то умрлари охиригача канда қилишмабди. "Биринчи таъзим, бизни бошига кўтарганига, иккинчи таъзим ўғлимизни кўзидан нари кеткизмагани учун, учинчи таъзим набираларимизга икки қўлини қанот, юрагини осмон қилганига, тўртинчи таъзимни шундай қизларни вояга етказган ота-онани олқишлашга бағишладик", дейишаркан улар.

Бу ўринда, эътибор қилган бўлсангиз, отанинг меҳнати, онанинг заҳмати, фарзандларнинг поклик нури ила таълим ва тарбия топганлигига алоҳида урғу берилади.

Ҳа, оила бу — мактаб. Аълодан аъло, қадри абад даргоҳ. Феъл-атворни қадимгилар "хамирга" қиёслашади, уни қандай қорсанг, шундайлигича қолади. Шу боис, ўғлим менга ўхшамади ёки нега қизим бундай хатолар қилди, дея ёзғирган она, ўша "хамир"ни қандай қорганини эслаб ҳукм юритсин. Ўзининг бепарволиги, лоқайдлиги ёки ҳаддан ташқари эркалаши оқибатида юзага келган муаммолар сабабини ўзидан изласин.

Шунинг билан бирга, мутафаккирларимиз фарзанд отага ва онага ҳамиша садоқатда бўлишини, улардан камчилик ўтса ҳам бошларига кўтариб юришлари вожиблигини уқтиришади.

Аҳмад Югнакий ёзади:

Отадан хато келса кўрма хато,
Савоб бил, ҳаттоки қилса хато.

Ёдда тутайликки, ўзаро кечиримлилик, бағрикенглик, яхшилик ва эзгуликни ҳар қандай вазиятда устун билиш оила шарафини асрайди, уни дарз кетишдан ҳимоялайди. Оила шарафи эса, ўз навбатида, миллат шарафи ҳамдир. Бас, шундай экан, бу шарафни кўз қароғимизда пок сақлаб, гард юқтирмайлик. Дунёга ибрат, намуна кўрсатайлик. Тириклик булоғидан сув ичарканмиз, ўзаро ҳурматни, оила аталмиш хилқатни саодат ва шукуҳ бўстонига айлантиришдан асло чекинмайлик.

Маъсума АБДУЛЛА қизи,
Сирғали тиббиёт коллежи ўқитувчиси

Лаҳза

КЎНГИЛНИ ОВУТИШ

ёхуд изҳорнинг жўн талқини

Чиғатой қабристони. Бу ёруғ дунёдан ўтган устозларнинг мозорини зиёрат қилиш, бир дам хотирлаш учун уларнинг сўнгги манзили атрофида кезаман. Ҳаммаларини номмаином санаш қийин, албатта. Йиллар ўз ҳукмини ўқиб бўлган...

Фаминг ошса — дарё ёқала, деган экан доноларимиз. Дарёсини йўқотган одам учун қабристон ҳам бир таскингоҳ. Қабр тошларидаги сукут кўкка сапчийдиган ҳар қандай ҳаяннинг тафтини олади. Қабристон нотинч қалб учун сокинлик улашадиган, ўзлик билан юзма-юз келадиган маскан. Қачонлардир бу ёруғ оламдан кетган инсонлар билан хаёлан суҳбатлашаётганингда, бугуннинг ташвишини бутунлай унутасан. Уларнинг қаршисида фақат қалбингга мўралаганча, айтилмай қолган изҳорларни излайсан. Шундай кезларда ўз хаёлларингга банди бўлиб қолмасдан, кўзларингни каттароқ очиб, атрофга тийракроқ назар ташласанг, сени хижолатга солиб, бошингни хам қиладиган бир мисрага кўзинг тушади: "Одамлар, қадрланг бир-бирингизни, гул ҳам, муҳаббат ҳам тирикка керак". Бу мисралар қаршимдаги қора тош "эга"си Саида Зуннуновники. Яна юқорироқда, мажнунмисол Ботир Зокировнинг ён томонидаги қабр тошида эса "Умримни ўткинчи сабога бердим, Энг сўнгги чақамни гадога бердим. Бу телба руҳимни Худога бердим" деб ёзилган. Бу уч сатр марҳума Римма Аҳмедованинг ҳаётига таянч бўлган сирдан воқиф этиб, у бу ҳаётда таниган ва ўзини доғлатган ҳақиқатни очиб беради. Шу боис, онанинг қалбини ҳассослик билан илғаган фарзандлар у севиб ўқиган ўнлаб шеърлар орасидан айнан шу мисрани актриса ҳаётининг моҳияти сифатида танлаб олишган бўлса керак. Янаям юқорироққа назар ташласангиз, инсониятнинг бутун хавотирини, дарду изтиробию фожиасини ўзида ифодалаган бир битикка кўзингиз тушади: "Ўлимдан қўрқмайман, унутилишдан қўрқаман!" Бу — актёр Жавлон Ҳамроев қабр тошидаги ёзув. Лекин синчков нигоҳ айнан шу масканда бу иқрорнинг самимиятдан чекинган ниҳоятда жўн талқинига ҳам дуч келади...

Бу ҳақда гапириш бирмунча оғирроқ... Ҳозирча, бироз тин олайлик-да, кўнгилга ёруғлик олиб кирувчи Ҳамза Умаровнинг қабрини зиёрат қилиб турайлик. Оқ тусни эслатиб турадиган кулранг мармар қабр тоши. Унда санъаткорнинг халқ хотирасида муҳрланиб қолган суврати. Ва саккиз қатор шеър. Бу мисралар остига оддийгина қилиб "мухлисингиздан" деб ёзилган. Ишонасизми, ҳали-ҳануз бу мухлиснинг кимлигини кўпчилик билмайди.

Номаълум мухлиснинг ниқоблардан холи дунёси нигоҳингни қаровсиз бир ҳолга келаёзган қалбингга қаратгани баҳона бўладию, шу онда сен ҳам мухлисга айланасан. Гўё унинг руҳиятига кириб, кўнглини тинглаётгандек бўласан: "Камдан-кам одамларгагина мухлислик ҳам бир масъулият экани, Санъаткор бахш этган оний лаҳзалар ҳузури қаршисида ўзини қарздор туйиш насиб этса керак. У хоҳ бадиий асар, хоҳ мусиқа, кино ёки театр санъати доирасида бўлсин... ҳаётимизнинг энг ҳаяжонли лаҳзаларида таскинни санъатдан излаймиз: муҳаббат дарди юракни тилганда ҳамдардимиз-ҳамширамизга айланади, баъзан куй-қўшиқ остида сизиб чиқаётган кўз ёшларни, унинг шўр таъмини сезмай қоласан, киши... Гўё бунга ҳофиз айбдордек. Ҳаётнинг рўёларидан толиққан жону зоринг барча-барчасига этак силкиб, Улуғ Шоир каби ўзини жунун водийсига мойил кўрган дамда бир дилгир қўшиқни қўмсайсан. Энди айтингчи, ўз дунёсини ёқиш асносида бизга ўхшаган сарсонлар дунёсини ёритаётган Санъаткор олдидаги бурчимни қандай сезмай! Ахир, бизнинг орзу-хаёлларимизни мана шу аланганинг ҳарорати асраб қолмаяптими?..."

Хаёлларим пароканда бўлиб кетди... Барибир, неларнидир ўзимча фаҳмлагандекман. Фақат Аллоҳдан ўтинардимки, номаълум мухлиснинг ким эканини ҳеч қачон билмасам... Қанча сирли бўлса, шунча қадрли. Унинг бу эзгу иши Ҳадиси шарифдаги "Ўнг қўлинг қилган яхшиликни, чап қўлинг сезмасин" ҳикматининг моҳиятини англатади. Бироқ номаълум мухлис кўнглидаги маҳобат виқорини, кенглигини тан олишимга ўзгалар сабаб. Кимлар дерсиз? Қайсидир бир адибанинг меҳрибон укаси ва яна машҳур устозга таъзимда бўлган машҳур шогирднинг садоқати! Хуллас, қабр тошидаги "Фалончи Фалончиевдан!" қабилидаги салобатли ном... Ногаҳоний гурзидан руҳинг гандираклайди. Кўнгил ғаш. Миннатли дунёнинг ғавғолари ҳеч қурса қабристонда ўз қудратини намойиш этмасайди! Ўйлайсан, ўйлайсан, ўйлар тагига етолмайсан.... Балки шогирднинг ўз узри бордир... Лекин узр минглаб назарлар учун эмас, ўзинг — виждонинг ҳаловати учун қилинади, деган овоз уни тушунишга йўл бермайди. Эҳтимол, бу унутилиб кетишдан қаттиқ чўчийдиган бир актёрнинг уринишидир. Савобу гуноҳ, эзгулигу худбинлик, тазарру ва шуҳратпарастлик, ташаккур ва миннат, эҳтиром ва таъна, саховат ва таъма, хайрихоҳлик ва даъво... бари бир-бирига шу қадар қоришиб кетганки, шуҳратпараст майллар чегараси бузилган бу тушунчаларни асл номи билан аташга сира йўл қўймайди. Бу ҳолни нима деб номлашга ҳайронсан!

Бу каби "томоша"лардан сўнг «гарчи ўз вақтида яна ўша Улуғ Шоир каби "тилармен топмағайлар тўтиёлиқға ғуборимни" деб марҳум ҳар қанча ёзғирмасин, барибир "уста кулол" ўша чангу ғубордан ўзига мослаб ва созлаб идишни ясаб оларкан-да!", деган тушкун тўхтамга келаркансан.

Яқинларимизга ёдгорлик ўрнатарканмиз, неларни ўйлаймиз? Ўтиб кетган инсон хотираси қаршисидаги ҳурматнинг бир жузъий кўринишиними? Ёхуд ҳашамдор ёдгорлик билан улуғ шажаранинг давомчиси эканингизни ифодаламоқчимисиз? Бу ўйилган тош мангулик учун ташланган бир қадаммикин ё, ўзингни қанчалар яхши инсон эканлигингга, беҳуда яшамаётганингга ўзингни ишонтиришинг, кўнглингни кўтаришинг ва ёхуд бу олижанобликни ўзгаларга исботлаш учунми? Бу ҳам бир ожиз банданинг овунишимикин бўлмаса? Агар бу ишни ҳаётдан ҳикмат излашни ўзига касб қилиб олган, "зиёли" деган таърифга даъвогар одам қилган бўлса, не дейсиз?

Ҳар қанча уринмай, зиёратгоҳни тарк этишга чоғланарканман, юрагимда уйғонган бир сас қийнарди: "Тирикликнинг ўзи "сен"у "мен"дан иборат. Йиллар давомида бу юкнинг барча залворини шўрлик вужуд кўтариб келди. Чунки у ҳою ҳавас либосидаги манфаатлар бандиси эди. Сен эса буни яхши билардинг... Барча қилмишинг учун ташаккур. Энди, Сендан ўтинаман, донгдор номинг билан ердан олислаётган руҳимни тушовлама! Ўз ҳолига қўй, уни... "

ИҚБОЛ

Молия муассасаларида

HAMKORBANK

Банк кредитлари фаолиятимиз кенгайишида муҳим аҳамият касб этмоқда

— дейишмоқда "Ҳамкорбанк" мижозлари

Истиқлол йилларида мамлакатимизда олиб борилган иқтисодий ислоҳотлар халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Бунда, табиийки, молия муассасаларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бинобарин, "Ҳамкорбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг фаолият доираси кундан-кунга кенгайиб, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига намунали хизмат кўрсатилаётгани шундан далолат беради.



Молия бозорида ўз ўрнига эга бўлган "Ҳамкорбанк" айни пайтда республикамизнинг деярли барча ҳудудларини қамраб олган. Жумладан, унинг 26 та филиали ва 150 га яқин мини банкларида мижозларга 40 дан зиёд замонавий банк хизмати кўрсатиб келинмоқда. Банкнинг тезкор ва намунали хизматларидан мижозлар ҳам мамнун. Буни уларнинг фикридан билиш мумкин.

— Корхонамиз тухум ва парранда гўшти ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, — дейди "Бухоропарранда" акциядорлик жамияти раҳбари Олимжон Убайдуллаев. — Фаолиятимиз бевосита "Ҳамкорбанк" билан боғлиқ. Яъни, дастлабки йиллардан бошлаб ушбу молия муассасаси билан ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Ҳозирги кунда жамиятимизда 330 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуна, техника ва иншоотларимиз етарли. Бунга банк томонидан ажратилган маблағлар эвазига эришганмиз. Жумладан, биргина 2010 йилда паррандачиликни ривожлантириш учун банкнинг Бухоро вилояти филиалидан 500 миллион сўм, ускуна ва маҳсулдор жўжа сотиб олиш учун яна шунча миқдорда, уларга витаминли озуқалар келтириш учун эса 125 миллион сўм миқдорида кредит олдик. Фаолиятимиз кенгайишида, янги иш ўринлари яратилишида, аҳолига сифатли парҳез маҳсулотлар етказиб беришимизда "Ҳамкорбанк", унинг Бухоро вилояти филиали жамоасининг алоҳида ўрни бор.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда банк-молия тизимини такомиллаштириш, уларнинг мижозлар билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар самараси амалда яққол намоён бўлмоқда. Юртимизда молия муассасалари маблағлари эвазига кўплаб ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилиб, уларда янги-янги маҳсулот турлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ички бозорни сифатли ва экспортбоп маҳсулотлар билан тўлдириш имконини беряпти.

Шундай ишлаб чиқариш қувватларидан бири — Андижондаги "Андметалл ҳамкор" қўшма корхонасидир. Ҳозирги кунда корхонада шифер, турли ҳажмдаги асбоцемент қувурлар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Қўшма корхонамизга 2007 йилда асос солиниб, бозор талаб ва таклифлари ўрганилган ҳолда шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди унинг раҳбари Улуғбек Абдувоҳидов. — Қайси ишлаб чиқариш субъекти замонавий ускуналар билан жиҳозланса, ўша ерда юксалиш, ўсиш бўлишини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Биз ҳам корхонамиз учун Украинадан замонавий технология харид қилдик. Бунда "Ҳамкорбанк" ажратган кредит қўл келди. Эндиликда ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз сифат борасида турдошлари билан бемалол рақобатлаша оладди. Албатта, рақобат ривожланган бир паллада эришилган муваффақият билан чекланиб қолмаслик, янги-янги лойиҳаларни рўёбга чиқариш талаб этилади. Шу мақсадда корхонамизга бир кеча-кундузда 5 минг дона "ТУ" маркали асбестцемент листларини бўяш имконига эга дастгоҳ келтириб, ўрнатдик. Шу кунларда уни ишга тушириш арафасидамиз. Энг муҳими, мазкур линия ишга тушгач, қўшимча равишда 20 та иш ўрни яратилади.

Ўйлаб кўрсам, нимаики янгилик қилмайлик, барчасини "Ҳамкорбанк"нинг молиявий қўллаб-қувватлови билан амалга оширяпмиз. Шу аснода фаолиятимиз тобора ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунга келиб, корхонамизда бир кеча-кундузда 3 минг донагача шифер ишлаб чиқарилиб, харидорларга пешма-пеш етказиб берилмоқда. Келгусида режаларимиз ҳам бисёр. Уларни амалга оширишда "Ҳамкорбанк", том маънода, бизга ҳамкор бўлишига ишонамиз.

Пойтахтимиздаги "SHINKONTRAKTTORG" шўъба корхонаси ҳам ушбу молия муассасаси билан самарали ишлаб келаётган мижозлардан бири ҳисобланади. Корхона раҳбари А. Ҳакимжоновнинг айтишича, "Ҳамкорбанк"дан 2 миллион 214 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиниб, бу ерга поливинхлорид хомашёсидан пластик қувур, карниз ва қопламалар ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий ускуна ўрнатилган. Айни пайтда корхонада тайёрланаётган ушбу турдаги маҳсулотлар сифатлилиги боис харидорлар эътиборини қозонмоқда.

Маълумки, Президентимиз томонидан 2011 йил Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилинди. Бу мазкур соҳа вакилларига эътибор янада кучайишидан, уларнинг фаолияти бундан-да кенгайишидан далолат. "Ҳамкорбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси эса кўрсатилажак хизмат ва ажратилажак маблағлар орқали тадбиркорлик субъектларининг оғирини енгил қилишга астойдил бел боғлаган.

"Ҳамкорбанк" матбуот хизмати ®

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!

Телефон: (8 371) 233-57-47; Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

От устида суҳбат

КЎПКАРИ — ОРИЯТ МАЙДОНИ

Бахмал. Қатортол қишлоғи.

Бир томони кенгиш сел йўли — қат-қат қадимият сирлари чекилган. Унинг ўнг тарафи пастқам адирларга туташиб кетади. Орасига тахминан икки минг йилқи сиғадиган ана шу майдонда отлар дупури, чавандозлар урҳо-ури, оломон ҳайқириғи қайнайди. Томошаталаблар жар лабида тизилиб, бедов арғумоқлар ва авжи терисига сиғмаётган полвонларнинг ор талашувини кузатади. Кўпкари охирлаб қолган, шекилли, баковул катта зотларни айта бошлайди: "Ҳай, полвонлар! Той кетди, туя кетди", деган ҳайқириқлар адирлар орасида ҳаволанади.

Узоқ тортишувлардан сўнг тўдадан хушбичим оқ — бўз от отилиб чиқади-ю, сомон томонга қушдай учиб кетди. Полвон от устида бамисоли бургут қўрғонлагандай қулоч ёзиб келади. Шу кез баковулнинг "Бахмаллик Ҳолиқул Жўлбесковнинг Тариодосида булунғурлик Шуҳрат полвон тойга ҳалол ташлади", деган айқируви эшитилади. Полвон тойчоқни стаклаб беткайликка чиқди. Қулини айирган арғумоқни совута бошлади. Биз фурсатни ғанимат билиб, чавондоз Шуҳрат Азимовни суҳбатга тортдик. Қуйида йўл-йўлакай бўлиб ўтган ана шу гурунг билан танишасиз.

— Шуҳрат ака, қандай кишилар кўпкари чопадиган чавандоз бўлиши мумкин?

— Ҳар ким ҳам истаса-да, от чопавермайди. Ота-бобоси от чопган, аждоди чавандоз ўтган киши болалигидан машқ қилса, кўпкарида от билан яхши ўйин кўрсатиши мумкин. Кўп жойларда чавандозларни полвон ҳам дейишади. Бизда шундай. Уқувли, бақувват бола ёшлигидан улоқни машқ қилиб борса, кучга тўлганда моҳир улоқчи бўлади. Мисол учун қишлоғимизда Беги полвон деб ном чиқарган одам бор. Ота-боболари от чопмаган. Қишлоқдошларининг турткиси билан машқ қилиб, ҳозир шу ўртанинг кўзга кўринган чавондозига айланган. Ўзимга келсак, полвонлик менга отам Суюн полвондан мерос. Унинг бобоси Мелибой бобом ҳам номдор чавандоз бўлган. Ўн тўрт ёшимдан от чопа бошлаганман. Ўн беш-ўн олти ёшларимда энг катта солим (соврин) — той, туяга ташлардим. Булунғурнинг Жийрон, Янтар, Васлиддин, Таппон, Саман, Бахмалнинг Торнадо, Қарчиғай, Лассети лақабли машҳур отларини чопганман.

Полвонлик уруғда бўлар экан, яъни қон қувар экан. Булунғурдаги эски чавандозлардан Оқбўта полвон, Яхшибой полвон, Носир полвон, Тангир полвонларни биламан. Бизлар эндигина қувмаларни оралаб қолган пайтларимиз улар кексайиб қолганига қарамай бир-бир улоқ чопиб турарди. Оқтош қишлоғидаги Нурбек, Ойбек, Собир, Илҳом, Зафар деган ёш полвонлар шуларнинг избосарлари. Гоҳида полвонларнинг қиз авлодидан ҳам ҳам чавандоз чиқади. Масалан, Элмурод полвон жияним — аммамнинг ўғли бўлади.

— Катта спортда "спорт формаси" деган тушунча юради...

— Кўпкарида ҳам бор. Мисол учун икки йил аввал ҳар куни эрталаб уч километр югурардим. Қирқ кунлар шундай машқ қилдим. Ноябрь ойи келиб, кўпкари мавсуми бошлангач, ҳар икки кўпкарининг бирида тойга ташладим. Югуришнинг ҳам улоққа фойдаси борлигини ўшанда билгандим. Боиси, от устида ўзимни енгил ҳис қилиб, тўдада шижоатим ҳам авжига чиқиб кетарди. Отлар ҳам шундай; қарови кучли бўлса, ҳар қандай тўдани ёриб ўтади. Беэътибор қолиб кетса, хомлаб — ишдан чиқиб қолади. Кўпкарининг ҳам ўз қонун-қоидаси бор-да...

— От тилсими одам сиридан мураккаб дейишади...

— Тилини билмасангиз, энг зотдор тулпорни ҳам куни билан бефойда миниб юраверасиз. От билан характерингиз тушмаса, умуман зот айира олмаслигингиз мумкин. От ҳам одамдай гап, ҳар хили бўлади: тагингиздаги арғумоқнинг тўдага қандай киришини, жиловини, улоққа қандай ёндашишини билмасангиз қийин. Шу жойда бир мисол келтирсам, жияним Элмурод полвоннинг ажойиб оти бўларди. Лекин ҳамиша мен чопардим, ўзи оти билан келиша олмасдида. Қизиғ-а! Яхши чавандоз бўлса ҳам, отининг тилини билмасди. Бир сафар Ғаллаоролнинг машҳур оти — Кўккаптарни миниб кўрдим, бироқ улоқ айира олмадим. Унинг табиатини Бунёд полвондан бошқа киши тушуниши амримаҳол, отни фақат шу полвон чопган. Кўпкарининг асосий қоидаларидан бири ҳам шу.

Одатда, улоқчи отлар алоҳида қаров талаб қилади. Бўладиган қулунларини кўкраги кенг, қулоқлари узун, қарчиғай ва қуймичининг ораси тўғри, оёқлари бақувват келади. Той бўлгач, кунда бир марта етовда белгиланган масофага югуртириб, айлантириб турилади. Ем-емишини доим маълум меъёрда бериш зарур. Тойдан ўтавергач, майда кўпкариларга солиниб, чиниқтириб борилади. Улоқчи от шундай қилиб тарбияланади. Кейин ҳам қаровни эсдан чиқармаслик керак. Саратондан кейин бойловга солиниб гавдасига қараб ем-емиш бериб боқиш, ҳар куни бир соат қашиб туриш, бойловдан чиққач, қирқ кун мобайнида совутиш лозим. Кейин кўпкарига солса бўлаверади. Улоқдан чиққандан кейин бир соат мобайнида — тери қотгунга қадар ўз маромида юргизиб совутилади (отнинг ҳарорати 40 даража бўлади). Сўнг яна бир соат думидан то қулоғигача қашиб чиқилади. Орадан олти соат ўтгач арпа берилади. Кейин суғорилиб беданинг баргларини тўкиб, фақат пояси солинади. Ҳар куни эрталаб отни думалатгани олиб чиқилади. Ағанаб бўлгач, яна ем-ҳашаги берилиб, улоққа тайёрлаб қўйилади. От тарбиясининг энг оғир ва нозик пайти бу — кўпкаридан қайтгандаги парваришдир. Кўпчилик улоқчи отларини ана шу пайти эътиборсиз қолдириб, ишдан чиқариб қўяди.

> *Номоддий қадриятларимиздан бири — кўпкари эр йигитлар майдонга тушадиган, ори ва шаъни учун курашадиган муҳораба. Истиқлол туфайли халқимиз қалб-қўрида ардоқлаб келинган мазкур спорт тури яна қайта тикланди. 2001 йилда "Улоқ-кўпкари" федерацияси ташкил қилингани ва бир неча йиллардан буён номдор чавандозларнинг беллашувлари ташкил этилаётгани қувонарлидир. Халқимизнинг миллий спорт ўйини Кураш сингари улоқ-кўпкарисини ҳам халқаро миқёсда эътироф этилишига эришишига умидвормиз.*

— Улоқнинг қандай турлари бор?

— Гаштак, қувма ва катта кўпкари... Яна тўққизлик ёки тўққиз товоқ дегани ҳам бор. Гаштак кўпкарида унча кўп от қатнаштирилмайди. Яқин атрофдаги қишлоқлардан келган полвонлар иштирок этади. Солимлари ҳам қимматбаҳо бўлмайди. Қувма эса катта кўпкари бошланишидан олдин отларни қизитиб олиш учун ўтказилади. Бунда асосан ёш полвонлар, тўдага ўргатилаётган йилқилар синаб кўрилади. Тўққизлик ёки тўққиз товоқ катта кўпкариларда ўтказилади. Бу шундайки, солим тўққизлик (тўққизта нарсадан иборат), сомони эса иккита бўлади. Баковул тўққизликни шундай эълон қилади: "Биринчи сомонга ташланган улоққа тўққиз товоқ қўйилди. Эй, полвонлар! Ана шу такани иккинчи сомонга оборишинг бир тўққиз, обқайтишинг яна бир тўққиз". Товоқнинг ҳар бирига солим айтилади. Масалан, мана бундай: "Бир туя, бир той, бир хўкиз, бир қўй, бир эчки, бир, гилам, бир телевизор, бир DVD, бир — юз минг пул". Яқинда Ургутдаги бир кўпкарида ана шундай тўққизлик чопилди. Боришқайтишини ҳам Тожиқул аканинг оти билан Сайфулла полвон олди.

— Полвонларда ҳам услуб бўладими?

— Албатта. Мисол учун, мен ўртага ташланган улоққа чап томондан ёндашадиган отларда майдонга тушаман. Чапақай бўлганим учунми, шундай қилсам, омадим келади. Чунки ўнг қўл билан кўтараётган полвоннинг улоғи чапақай полвонга жуда ўнг келиб қолади. Кейин, ўнг оёғимга қараганда чап тақимим мустаҳкам. Агар улоқни шу томонига илдирсам, унча-мунча тўдадан қийналмай чиқиб кетаман. Лекин мен минадиган отлардан бирортасида бошқаси чопиб кўрса борми, асло зот айира олмайди. Чунки улар ўнгақай... Яна бир хил чавандозларнинг билаги, баъзиларининг эса тақими бақувват бўлади. Билаги эўр полвонлар такани қўлида ушлаб кетади, шу боис узоқ масофага олиб бора олмайди, олдириб қўяди. Тақими кучли чавандозлар улоқни кўтариши билан тақимига қистиришга ҳаракат қилади. Ҳар икки томонлама полвонлар камдан-кам чиқади, лекин улардан такани тортиб олишнинг ўзи бўлмайди. Жиззахлик Шайманхон полвон шундайлар хилидан. Гап келганда, у билан боғлиқ бир воқеани айтиб берсам. Яқинда полвон Бахмалга бир кўпкарига келди. Иккаламиз улоқ бошланишидан олдин кўришиб-сўрашмаган эдик. Тасодифан катта такани (одатда, кўпкариларда 2-3 та така сўйилиб, қимматбаҳо солим катта такага тикилади) тақимига олиб, тўдадан чиқиб қолди. Мен жиловини сомонга тўғрилаб қўяй деб шу томонга от солдим. Қарасам, йилқи ўзи билиб чортоққа қараб кетяпти. Сўнг отимни унинг ёнидан қўшдим. Ишонасизми, сомонга етгунча полвон иккаламиз бемалол сўрашиб келдик. Атрофини йигирмага яқин отлиқ ўраб олганди, улоқни ҳар томонга тортқилаб туришарди. Аммо бирортаси узиб ололмади. Зоминлик Султонхонэшон дегич ҳам шундай полвон. У Булунғурдаги бир кўпкарида бир қўли билан (ўшанда бир қўли синиб, гипсланганди) тойнинг улоғини айириб чиққан эди.

Кўпинча катта-катта зотларни айирадиган полвонларнинг отларида гап кўп бўлади. Йилқи тўдага киргач, улоқ устида тура олиши, полвон такани тақимига олгач, тўдани ёриб чиқиб кетиши лозим. Шундай арғумоқлар ҳам бўладики, улоқ устида ўзи туради, тўдага ўзи кириб боради. Масалан, Холиқул аканинг манови Торнадоси ҳам шунақа. Унга ҳеч қандай бошқарув ёки қамчи зарби шарт эмас.

Шуҳрат ака билан кўпкарининг биз ёшлар билиб-билмаган жиҳатлари ҳақида кўп гаплашдик. Ҳақиқатдан ҳам кўпкари мардлар ўйини экан. Унинг бошқа спорт турлари сингари ривожланиб дунё спорт турларидан бирига айланишини жуда-жуда истардик. Шундай бўлса, юртимизнинг чавандоз полвонлари мамлакатимиз номини, унинг шуҳратини оламга ёйишга катта умид бор.

Анвар СУЮНОВ
суҳбатлашди

ДАСТЛАБКИ ВАЗИФА УДДАЛАНДИ

AFC Asian Cup QATAR 2011

Катарда давом этаётган футбол бўйича Осиё чемпионати қизғин палласига кирмоқда. Айни вақтда "А", "В" ва "С" гуруҳларида турнирнинг кейинги босқичига чиққан жамоалар номи маълум. "D" гуруҳида эса бугун барча масалага ойдинлик киритилади.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиё кубоги — 2011 турнирида муваффақиятли иштирок этмоқда. Шу кунгача вакилларимиз гуруҳдаги барча учрашувларда майдонга тушиб, уларнинг иккитасида ғалаба қозонган бўлса, биттасида дуранг натижа қайд этди. Шу тариқа етти очко жамғарган футболчиларимиз гуруҳда биринчи ўринни эгаллаб, чорак финал босқичига йўл олишди.

Энди ўзбекистонлик футболчилар ярим финал йўлланмасини қўлга киритиш учун "В" гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган Иордания терма жамоасига қарши майдонга тушади.

Шу ўринда рақиб жамоа ҳақида ҳам айрим фикр-мулоҳазаларни келтириб ўтсак. Иордания қитъамизда кейинги йилларда футболи жадал ривожланиб бораётган мамлакатлар сирасига киради. Буни жорий йилги «Осиё кубоги — 2011» мусобақаси ҳам кўрсатиб турибди. Гуруҳ беллашувларида дастлаб қитъанинг энг номдор жамоаларидан бири бўлган Япония термаси билан дуранг натижага эришган иорданияликлар кейинчалик Саудия Арабистони ва Сурия терма жамоаларини мағлубиятга учратди. Кўпчилик мутахассислару мухлислар Ўзбекистон терма жамоасининг омади келди, чорак финалда нисбатан кучсизроқ рақибга рўбару бўлди, дейишмоқда. Бизнингча бу фикрлар унчалик ҳам тўғри эмас. Хўш, бу борада миллий терма жамоамизнинг бош мураббийи қандай фикрда?

"Qatar Sports Club" ўйингоҳида Иордания — Сурия (2:1) учрашувини бевосита кузатиб борган Вадим Абрамов чорак финалдаги рақиб тўғрисида қуйидаги фикрларни билдириб ўтди:

— Осиё кубоги баҳслари олдидан биз Иордания билан ўртоқлик учрашувида 2:2 ҳисобида дуранг ўйнаган эдик. Ўшанда устунлик тўлалигича биз томонда эди ва мен учрашув натижасида қониқиш ҳосил қилмагандим. Аммо бугун Иордания терма жамоаси жуда яхши ва кучли жамоа эканини барча кўрди. Кучли жамоалар ўрин олган "В" гуруҳида иордания-ликлар бирор марта ҳам мағлуб бўлишмади. Биз эса уларни мағлуб этишни уддалаймиз.

21 январь куни Тошкент вақти билан 21^{25} да бошланадиган Ўзбекистон ва Иордания терма жамоалари ўртасидаги беллашувда вакилларимиз ўзларига билдирилган ишончни оқлаб, ярим финал йўлланмасига эга бўлади, деб умид қиламиз.

Яна бир хушхабар. Яқинда Халқаро футбол тарихи ва статистикаси қўмитаси 2010 йилнинг энг яхши ҳаками номини эълон қилди. Унга кўра, ўзбек ўғлони Равшан Эрматов умумий рейтингда 128 очко тўплаб, иккинчи ўринни эгаллади.

ЖАР яшил майдонларида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатининг финал учрашувини бошқарган англиялик Ховард Уэбб эса биринчи ўринни қўлга киритди. Учинчи ўрин 2009 йилнинг энг яхши рефериси Массимо Бузакка насиб этди.

Азим РЎЗИЕВ

ЎЗГАЧА ТАРИФ КЕРАКМИ?
«ЭКСКЛЮЗИВ» ТАРИФИ
Чиқувчи қўнғироқлар энди 1-дақиқадан кейин (тармоқ ичида) -90%
GPRS ва WAP-Интернет – $0,06 (1 Mb учун)
Барча кирувчи қўнғироқлар – $0
Абонент тўлови – $0
«Эксклюзив» тарифига ўтиш учун USSD-командани теринг: *111*118#
МТС бир қадам олдинда
Батафсил: 0890 мос., тел.: (+998 97) 130 09 09, 131 09 09, 108 09 09. www.mts.uz / wap.mts.uz
Гўзаллар сумма ўзи. МТС нинг тўлов қўшилган курси бўйича амалга оширилади. Нархларга барча солиқлар киритилган. Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Ведуфобита» компанияси томонидан тақдим этилади.
Хизматлар лицензияланган.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини классер ва буклетларда сотувда мавжуд.
ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!
Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

e-mail: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси —	8-361-505-19-11	Қашқадарё —	8-375-357-75-10
Андижон —	8-374-250-90-39	Сурхондарё —	8-376-396-30-59
Бухоро —	8-365-592-85-02	Фарғона —	8-373-225-80-58
Самарқанд —	8-366-233-62-12	Хоразм —	8-362-224-73-33
		Навоий —	8-436-748-63-11

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.00

® — тижорат белгиси.

Адади: 9837 Буюртма — Г-126 12345